

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРҚАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**О.А.Хасанов**

**“\_\_\_\_\_” 2015 йил**

**“ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА  
АНЬАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР” МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Малака ошириш курси йўналиши: Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)**

**Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2015**

**Ушбу ўқув-услубий мажмуа** “Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ фанларни ўқитишида анъанавий ва замонавий услублар” фани учун яратилған бўлиб, унда маъruzаларни ўрганиш бўйича ўқув дастури, маъruzалар матни ва мавзулар бўйича тарқатма материаллар, тест саволлари, атамалар глоссарийси, шунингдек машғулотларда тинглаш учун сараланган мусиқа асарларининг аудио ёзувли компакт-диски жамланган.

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа** малака ошириш факультети тингловчилари учун тавсия этилади. Шу билан бирга қўлланмадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, республикамиизда олиб борилаётган санъат соҳасидаги ислоҳотлар жараёнларига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Тузувчи:** профессор Қосимов Р.К

**Тақризчилар:**

*M.Матёқубов – доцент*

*P. Самадов – доцент*

Модулнинг ишчи ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йил 16 июлдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

# МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	4
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	19
1-Мавзу: Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд тизими.....	19
2-Мавзу: Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар .....	23
3-Мавзу: Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни .....	27
4 - Мавзу: Чолғуларни ўзлаштиришда нота асосида эшитиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари. Чолғуларда ижрочилик ҳолати ва уни йўлга қўйишнинг амалий аҳамияти.....	30
5 - Мавзу: Ижро дастури ва чолғу ижрочилирини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гуруҳли ва якка машғулотларни режалаштириш .	34
6 Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машҳур чолғучиларнинг ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.....	44
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	60
ГЛОССАРИЙ .....	69

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Мустақиллик даврининг энг муҳим ютуқларидан бири Ўзбекистонда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши билан боғлиқдир. Зеро, эркин ва озод Ватаннни барпо этиш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун замонавий ва чуқур билимга эга кадрлар зарурлигини ўз вақтида хис этган Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган “Таълим тўғрисида”ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда ҳозирги кунда яратилган таълим тизими қўплаб хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниб, ундан андазалар олиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимиздаги таълим тизимининг муваффақиятини исбот қиласди. Таълим тизимини такомиллаштириш ишларини доимий равишда олиб бориш учун имконият яратиб бераётган Конун ва Дастурга кўра юртимизда таълим муассасалари педагогларини тайёрлашдаги айрим камчиликларни хам бартараф этиш даври етиб келди. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмас” эди.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими шу давргача собиқ Совет тизими даврида яратилган тартибда амалга ошириб келинаётган эди. Ҳозирги кунга келиб ушбу тизимни янада такомиллаштириш асосида бозор муносабатларига мослашган янги тизимни ташкил этиш зарурати туғилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони эълон қилинди. замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Мазкур Фармонга кўра янгидан барпо этилаётган тизимда олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари чуқур ўрганилиши, жаҳон тажрибасидаги илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг шакллантирилиши, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга тайёрлаш, хорижий тилни амалий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билиш, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар қўлламини янада кенгроқ ўзлаштириш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлардан хабардорликни ошириш, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича

билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу дастур таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий хуқукий асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари хамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари асосида ишлаб чиқилган. Унда чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий турларига оид тарихий маълумотлар, шунинг ижрочиликнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ маълумотлар берилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ фанларни ўқитишида анъанавий ва замонавий услублар” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий йўналишларининг тарихи, уларнинг ривожланиш босқичлари, ижрочиликдаги жанрларнинг турлари ва уларни талқин этишдаги замонавий услублар, ижрочилик ва чолғушунослиқдаги айrim муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ фанларни ўқитишида анъанавий ва замонавий услублар” **модулининг вазифалари:**

-чолғу ижрочилигини ўқитишида анъанавий ва замонавий услубларни ўргатиш билан боғлиқ тарихий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, мусиқа чолғулари ва улардаги ижрочилик маҳоратининг ўсиш тенденциясини таҳлил этиш;

-ўзбек миллий чолғуларининг анъанавий кўринишидаги намуналарини ёш ижрочиларга тушунтиришда устозлар ўгитларига амал этиш;

-ўзбек миллий чолғуларининг қайта ишланиши ва такомиллаштирилиши жараёнларига танқидий ёндошган ҳолда таҳлил этиш;

- чолғу ижрочилигининг тарихи ва ривожланиш босқичлари билан боғлиқ янги маълумотларни олий таълим тизимига татбиқ этиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Чолғу ижрочилиги билан боғлик фанларни ўқитишида анъанавий ва замонавий услублар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- мусиқа чолғуларининг турлари, таснифи;
- миллий чолғуларнинг пайдо бўлиш жараёни ва такомиллашуви;
- чолғу ижрочилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- чолғу гуруҳларининг шаклланиши ва турлари;
- ижрочиликдаги турли анъанавий ва замонавий услублар ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

-ўз касбий фаолият соҳаларида мусиқа чолғуларини ўқитишида ва замонавий услубларни қиёслаган холда уларни тараққиёти билан боғлик билимларни қўллай олиш;

-чолғу ижрочилигининг анъанаий ва замонавий турларидаги асосий ютуқларини тарғиб қилиш;

-чолғу ижрочилиги муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини тахлил қилиш;

-чолғу ижрочилиги билан боғлик янги машқларнинг мақом пардалари ва замонавий композиторлар асарларининг ладлари асосида тузиш;

-чолғу ижрочилигидаги анъанавий, замонавий услуг ва тажрибаларни амалиётда қўллаш **кўникмаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

-чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий тараққиёти билан боғлик методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

-анъанавий ижроликдаги эришилган ютуқларни амалда тўғри қўллаш;

-анъанавий чолғу ижрочилигига доир муаммоларни аниқлаш;

-анъанавий чолғу ижрочилиги борасидаги олиб борилган тадқиқотларни танқидий тахлил этиш;

-анъанавий ижрочилик услублари ва мактабларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

-анъанавий чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиётига тегишли маълумотлар чоп этилган манбаларни баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши;

### **Тингловчи:**

-чолғу ижрочилигини устозона услубларига таяниш билан боғлиқ ютуқларни қўллашда намуна кўрсатиш;

-чолғу ижрочилиги билан боғлиқ янги маълумотлар асосида ўкув жараёнини ташкил этиш;

-олинган янги билимлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;

-чолғу ижрочилигига эришилган ютуқларга суюнган ҳолда хулосалар бериш;

-тизимли - фаолият тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ фанларни ўқитишда анъанавий ва замонавий услублар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий мусиқа чолғуларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, анъанавий ва замонавий чолғуларда ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ фанларни ўқитишда анъанавий ва замонавий услублар” модули мазмуни ўкув режадаги “Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси”, “Чолғу ижрочилиг тарихи ва тараққиёти”, “Жамоавий якка созандалиқда ижро малакаларини ўстириш” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг чолғу ижрочилиги бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида чолғу ижрочилиги ва мусиқа чолғулари тарихи ва тараққиёти билан боғлиқ маълумотларни ўзлаштириш, уларни таҳдил этиш, илғор

ютуқларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетенцияга эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Кўчма иашнугулот	Мустақил таълим	
			Жами	Назарий	жумладан			
1.	Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд тизими	2	2	2	-	-	-	
2.	Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар	6	4	2	2	2	2	
3.	Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни	4	4	2	2	-	-	
4.	Чолғуларни ўзлаштиришда нота асосида эшитиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари	4	4	2	2	2	-	
5.	Ижро дастури ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гурухли ва якка машғулотларни режалаштириш	6	4	2	2	-	2	
6.	Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машхур чолғучиларнинг ва	4	4	2	2	-	-	

	улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари						
	<b>жами</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>12</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд тизими**

**(2 соат)**

#### **Режа**

1. Мусиқа чолғуларининг таснифи масалалари.
2. Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд анъанасини ўрганиш.
3. Мусиқа чолғуларида гурухли ижрочилик анъанаси. Замонавий чолғу жамоалари.

Мусиқа чолғуларининг турлари (анъанавий ва замонавий кўриниши). Қадимий содда мусиқа чолғулари. Таълим тизими билан бирга илгор тажрибали чолғучилар услубларига таянган холда дарсларни боғлаб олиб бориш. Гурухли ижрочилик шакллари ва турлари. Миллий чолғуларда гурухли ижрочилик анъаналари. Замонавий оркестр ва ансамбларнинг турлари ва ижро услублари. Чолғу ижроилиги билан боғлиқ танлов ва фестиваллар.

*Саволлар:*

1. Чолғу турлари қандай?
2. Кўриниши, шакли қандай?
3. Гурухли ижрочиликнинг салбий ва ижобий оқибатлари қандай?

### **2-Мавзу: Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар**

**(2 соат)**

#### **Режа**

1. Анъанавий чолғу ижроилигини ўргатища забардаст устоз созандалар услублари билан биргаликда замонавий услубларни уйғулаштириш.
2. Анъанавий ижрочиликда қўлланилган чолғуларнинг қайта

ишланиши ва такомиллаштирилишининг ижобий ва салбий томонлари.

3. Мусиқий таълим тизимида анъанавий чолғу ижрочилигининг ривожланиши.

Ўзбекистон худудида тарқалган мусика чолғулари. Миллий профессионал ва фольклор чолғулари. Миллий чолғуларни қайта ишлаш ва такомиллаштиришида маҳаллий усталарнинг иштироки. Янгидан яратилган ва такомиллаштирилган чолғуларнинг ўзбек мусика маданиятидаги иштироки. Чолғуларни ўзлаштиришда анъанавий устоз шогирд тизими билан бир қаторда нота асосида ҳамда тинглаб ўрганиш кўникмаларини хосил қилиш.

*Саволлар:*

1. Услуб яратган созандалардан кимларни биласиз?
2. Ижрочилик мактаблари қандай бўлади?
3. Қадимий дарс ўтиш услуби қандай номланади?

### **3-Мавзу: Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни (2 соат)**

#### **Режа**

1. Ўзбекистонда анъанавий чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълим тизими.
2. Чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълимда амалий ижрони назарий таълим билан бойитиш ҳақида.
3. Ижрочиликда эришилган замонавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш масалалари.

Ўзбекистон мусиқий таълим босқичлари. Бошланғич мусиқий таълимнинг ислоҳ қилиниши ва мамлакатимизда яратилаётган шароит. Ўрта маҳсус мусиқий таълим муассасалари ва уларнинг чолғу ижрочилиги йўналишидаги бўлимлари фаолияти. Мусиқага ихтисослашган олий таълим муассасалари ва бўлимлар. Мусиқий таълимда узвийлик масалалари. Анъанавий мусика ижрочилигини ўқитишда таълимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Мусиқий таълимни такомиллаштиришда назарий таълимни амалий куникмалар билан мустаҳкамлаш масалалари. Анъанавий ва замонавий чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши. Ижрочиликда эришилган амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мусиқий таълим муассасалари учун методик қўлланмалар яратиш масалалари. Ўзбекистонда анъанавий ва замонавий чолғу ижрочилиги тарғиботи.

*Саволлар:*

1. Мамлакатимиздаги таълим тизими ҳақида гапириб беринг!

2. Ихтисосслик ва мутахассисликнинг фарқи нимада?
3. Ижрочилик кўникмаси деганда нимани тушунасиз?

**4 - Мавзу: Чолғуларни ўзлаштиришда нота асосида эшишиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари(2 соат)**

**Режа**

1. Миллий чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.
2. Камонли, торли чолғуларнинг ижро аппаратини қоидалари.
3. Пуфлама чолғуларнинг имкониятлари ва хусусиятлари.

Созандалик услубиятига тегишли айрим масалалар нашр этилган китоб ва мақолаларда, номзодлик ва докторлик диссертацияларида қисман ёритилган.

Масалан: Д.Муллақандовнинг “Ўзбек хонандалиги борасида баъзи жузъий масалалар, рус вокал мактаби бадиий эстетик талаблари ва тажрибалари билан боғлиқлиги.” Ленинград 1954-йил. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертациясида асосан ўша замон тилидан овозларнинг тури ва туси ҳақида гапирилиб, рус вокал мактаби билан таққосланган. Лекин эътиборга молик томони шундаки ижрочиilarни ерда ўтириб ижро қилиш ўрнига стулда яни курсида ўтириб чалишни даврларда кўрсатиб берган. Бундан ташқари қадимдан номланиб, кейинчалик унутилаёзган ижро услубарининг атамалари ва уларни илмий асосда ўша давр ижрочилик мактаблари билан таққослаб берган.

Ю.Ражабийнинг “Ўзбек халқ мусиқаси” (Тошкент 1958-йили.) “Чашмақом” (Тошкент 1958-йил.) Олти томлик китобларида: устозлар тазкираси, ижрочиilarнинг қандай асарлар ижро этганликлари ҳақида сўз юритилади. Бу манбаъларда асосан мақомдан созандаларнинг ижро дастурлари кўрсатилган.

И.Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” (Тошкент 1963-йил.) китобида: ижрочилик хусусиятлари мақом нуқтаи назаридан ёритилган.

О.Матёқубовнинг “Мақомот” (Тошкент, 2004-йил) китобида ижрочилик санъати ҳақида сўз юритилади.

*Саволлар:*

1. Ижрочилик дастури созандалар учун нимаси билан муҳим?

2. Устоз шогирд анъанаси бошқа дарс бериш услубларидан созандаликда нимаси билан афзал?
3. Устоз шогирд анъанаси хақида түлиқ маълумот берилган адабиётлардан қайси бирини биласиз?

**5 - Мавзу: Ижро дастури ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гурухли ва якка машғулотларни режалаштириш(2 соат)**

**Режа**

1. Анъанавий ижрочиликни ўргатишида устоз шогирд тизими ва замонавийлик.
2. Анъанавий ижрочиликда машқ ва замонавий ижрочиликда этюдлардан, гамма ҳамда аккордлардан самарали фойдаланиш.
3. Анъанавий чолғу ансамблиниң ижрочилик қонун қоидалари.

**6 Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машҳур чолғучиларнинг ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари**

**Режа**

1. Мақомларнинг турли ижро варианtlарини таққослаш.
2. Мақом ва халқ мусиқа асарларидаги доира усуллари.
3. Машҳур чолғучиларнинг ижодини намуна сифатида ўргатиш услублари.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қўйи келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча

воситалар, шунингдек мусиқа чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

**1-Мавзу: Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши.  
Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар (2 соат)**

**Режа**

1. Ўзбекистон худудида тарқалган мусиқа чолғулари.

2. Янгидан яратилган ва такомиллаштирилган чолғуларнинг ўзбек мусиқа маданиятида тутган ўрни билан тинишиш.

3. Чолғуларни ўзлаштиришда анъанавий устоз шогирд тизими билан бир қаторда нота асосида ҳамда тинглаб ўрганиш кўникмаларини хосил қилиш

**3-Мавзу: Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни (2 соат)**

**Режа**

1. Мусиқий таълимда узвийлик масалалари. Анъанавий мусиқа ижрочилигини ўқитишида таълимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

2. Мусиқий таълимни такомиллаштиришда назарий таълимни амалий куникмалар билан мустаҳкамлаш масалалари. Анъанавий ва замонавий чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши.

3. Ижрочиликда эришилган амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мусиқий таълим муассасалари учун методик қўлланмалар яратиш масалалари. Ўзбекистонда анъанавий ва замонавий чолғу ижрочилиги тарғиботи.

**4 - Мавзу: Чолғуларни ўзлаштиришда нота асосида эшитиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари (2соат)**

**Режа**

1. Миллий чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.

2. Камонли, торли чолғуларнинг ижро аппаратини қоидалари.

3. Пуфлама чолғуларнинг имкониятлари ва хусусиятлари.

**5 - Мавзу: Ижро дастури ва чолғу ижрочилирини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гурухли ва якка машғулотларни режалаштириш (2соат)**

**Режа**

1. Анъанавий ижрочиликни ўргатишида устоз шогирд тизими ва замонавийлик.

2. Анъанавий ижрочиликда машқ ва замонавий ижрочиликда этюдлардан, гамма ҳамда аккордлардан самарали фойдаланиш.
3. Анъанавий чолғу ансамблиниң ижрочилик қонун қоидалари.

**6- Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машҳур чолғучиларнинг ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари (2соат)**

**Режа**

1. Мақомларнинг турли ижро вариантларини таққослаш.
2. Мақом ва халқ мусиқа асарларидаги доира усуллари.
3. Машҳур чолғучиларининг ижодини намуна сифатида ўргатиш услублари.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ  
Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- тарихий манбалардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида мавзуни ўрганиш;
- Ўзбекистондаги таълим тизимида, мавжуд мусиқа жамоаларида фойдаланилаётган чолғулар билан таққослаш асосида хулосалар чиқариш;
- амалиётда қўлланилаётган анъанавий ва замонавий чолғуларни фарқи;
- Ўзбекистон воҳаларига мансуб чолғу ижрочилигидагининг мутаносиблиги;
- ўзбек миллий чолғуларининг қайта ишланиши ва такомиллашуви жараёнига ўз муносабатини ёзма баён этиш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

**I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.-226.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.

5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.
18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига қўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- ҳуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўкув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Йўлдошев Т. Уд дарслиги. - Т.: Дарслик. 2008. – 346 б.
2. Одилов А. “Чанг” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 285 б.
3. Раҳимов Ш. Чолғу ижрочилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
4. Турапов З. Дутор бас. - Т.: Ўқув қўлланма, 2004. – 211 б.
5. Усмонов Қ. “Рубоб дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 312 б.
6. Шарипов Н. “Рубоб примада ижро этишни ўрганиш методикаси” - Т.: Дарслик, 2002. – 295 б.
7. Эргашев F. “Афғон рубоби дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 362 б.
8. Қосимов Р. “Анъанавий танбур ижрочилиги” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 258 б.
9. Матёкубов.М “Анъанавий ижрочиликда дарс бериш услубияти” Т.: Ўқув қўлланма 2015й.
10. Умаров.А “Танбур тароналари” Т.: Ўқув қўлланма 2004 й.
11. Тошпўлатова.И “Анъанавий дутор ижрочилиги” Т.: Ўқув қўлланма 2004 й.
12. Азизбоев.С “Анъанавий ғижжак ижрочилиги” Т.: Ўқув қўлланма 2005 й.
13. Самадов.Р “Зарблар ҳазинаси” Т.: ўқув қўлланма 2010 й.
14. Матёкубов.Ш “Анъанавий ижрочилик тарихи” Т.: Ўқув қўлланма 2015 й.
15. Холтожиев.А “Анъанавий қонун чолғуси ижрочилиги” Т.: Дарслик 2005 й.
16. Матёкубов.М “Сурнай” Т.: Ўқув қулланма 2003 й.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/)
5. [www.learnenglishteens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglishteens.britishcouncil.org/)
6. [www.learnenglish.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglish.britishcouncil.org/en/)
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

8. www.lugat.uz
9. [www.conservatory.uz](http://www.conservatory.uz)
10. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
11. [www.uzdsmi.uz](http://www.uzdsmi.uz)
12. [www.uzdsmimarkaz.uz](http://www.uzdsmimarkaz.uz)
13. www.classicmuzic.uz

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **1-Мавзу: Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд тизими**

**(2 соат)**

**Режа**

1. Мусиқа чолғуларининг таснифи масалалари.
2. Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд анъанасини ўрганиш.
3. Мусиқа чолғуларида гурухли ижрочилик анъанаси. Замонавий чолғу жамоалари.

Мусиқа чолғуларининг турлари (анъанавий ва замонавий кўриниши). Қадимий содда мусиқа чолғулари. Таълим тизими билан бирга илгор тажрибали чолғучилар услубларига таянган холда дарсларни боғлаб олиб бориш. Гурухли ижрочилик шакллари ва турлари. Миллий чолғуларда гурухли ижрочилик анъаналари. Замонавий оркестр ва ансамбларнинг турлари ва ижро услублари. Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ танлов ва фестиваллар.

Ижро амалиётида эришилган маҳоратни соз имкониятларидан келиб чиқиб, асарнинг бадиий мазмунини очиб беришга хизмат қилдириш.

Асадаги мусиқий жумлаларни (ашула ёълларида шеър ва ғазалларини ижро қилаётгандек) тўлиқ яъни юксак бадиий ифодали ижро қилдириш.

Асарни мусиқий штрихларини куйга ҳамоҳанг ишлатиб юксак ижрочилик даражасида чалдириш.

Беназир бадиий ижро, яъни бастакор фикрига ҳамоҳанглик, белгиланган мақсаддан четлашмаслик.

Саҳнадаги ташқи кўринишда оддийлик, артистлик ижро маҳоратини эгаллаш, ҳар хил услугуб ва ёъналишларга эргашмаслик.

Ана шу тамойиллар келгусида шогирдлар йетиштиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қила бошлади.

Бора–бора услубият турли масалаларининг илмий асослари ва ривожи И.Ражабов, Ю.Ражабий, Д.Муллақандов, Ў.Расулов, Р.Турсунов, К.Бўриева ва бошқаларнинг шу соҳага бағишлиланган китобларида баён этилди.

### **2. Мусиқа чолғуларини ўрганишда устоз-шогирд анъанасини ўрганиш.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизда бошланган демократик ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, яъни, маънавият оламида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган хуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, миллий санъатимизни ривожлантириш, таълим тарбия жараёни мазмунига миллий истиқбол мағкураси ғояларини сингдириш, ёшларни миллий қадриятлар, анъаналар ва қўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблиқ касб этмоқда. Эркин фуқаролик жамиятни таркиб топтириш энг аввало мазкур жамиятда яшаётган кишиларнинг маънавий–ахлоқий жиҳатдан йетуклиги ва юксак даражадаги ақлий салоҳиятига

боғлиқ. Зеро, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига кўра мамлакатимизда ёшларга эстетик таълим тарбия бериш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса таълим ислоҳотлари жараёнида ёшларга яратилаётган шароитлар, хусусан анъанавий ижрочилик ёъналишини бошлангич, ўрта ва олий ўқув муассасаларида ташкил қилинниб, таълим узлуксизлигини шакллантирилганлиги, олиб борилаётган одилона сиёsat натижасида миллий қадриятларимиз қад ростлай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан қўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш Давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”. деб ёзади.

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” номли китобида ёшларни ҳаётга тарбиялаш, уларни маънавий баркамол шахс сифатида камол топтириш. Миллий овоз ва оҳанг ҳақида фикр юритиб, шундай деган эди: “Инсоннинг қулоғи йенгил-йелпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора–бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини соҳта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир–оқибатда бундай одам “Чашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Мотсарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади”. деб ёш авлодни миллий анъаналар, қадриятлар ва маданий меросимиз руҳида тарбиялаш зарурлигини уқдирмоқдалар. Ёшларда гўзалликни ҳис қилиш ва қадрлаш каби сифатларни таркиб топтиришда миллий созандалик санъатининг алоҳида ўрни борлигини юртбошимиз 2010-йил 29-август В.А.Успенский номидаги ихтисослаштирилган академик мусиқа литсейи очилишида “Биз миллий мусиқамизга кўпроқ эътибор қилишимиз лозим, чунки биз бу ноёб дурдоналаримизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз керак. Европа маданиятини ривожлантирувчи давлатлар талайгина, лекин, бизни санъатимизни фақатгина ўзимиз ривожлантира оламиз”. деб таъкидладилар.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, ўқувчиларни инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, илм ва маърифатга интилиш руҳида тарбиялаш, урф–одатлар, анъаналарни қадрлашга ундовчи омил бўлиб, улар ижрочилик санъатини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ва шу билан биргаликда бўлажак ижрочиларни эстетик тарбиялашни, миллий санъатимизни чуқур ривожлантириш зарур. Дарҳақиқат, бу билан бизга четдан кириб келган санъатларни инкор этиш керак дегани эмас, балки барча санъат турларини тўлалигича ўрганиб, менталитетимизга уйғун эътиқодларни олиб, келажак авлод вакилларига тўлалигича қолдириш асосий вазифалардан эканлигини юртбошимиз таъкидламоқдалар.

Мамлакатимизда созандаликни ўзига касб қилган ижрочилар биринчи ўринда ўз чолғуларининг имкониятларини ботиний ва зохирий хусусиятларини

мукаммал билишлари зарур. Чундай экан мақом, достончилик, халқона турли жанрларни ижро нұқтаи назаридан үрганиш долзарб масала эканлигини аңглатади.

Созандалик услубиятига тегишли айрим масалалар нашр этилган китоб ва мақолаларда, номзодлик ва докторлик диссертацияларида қисман ёритилған.

Масалан: Д.Муллақандовнинг “Ўзбек хонандалиги борасида баъзи жузъий масалалар, рус вокал мактаби бадиий эстетик талаблари ва тажрибалари билан боғлиқлиги.” Ленинград 1954-йил. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилған диссертациясида асосан ўша замон тилидан овозларнинг тури ва туси ҳақида гапирилиб, рус вокал мактаби билан таққосланған. Лекин эътиборга молик томони шундаки ижрочиларни ерда ўтириб ижро қилиш ўрнига стулда яни курсида ўтириб чалишни даврларда кўрсатиб берган. Бундан ташқари қадимдан номланиб, кейинчалик унутилаёзган ижро услубарининг атамалари ва уларни илмий асосда ўша давр ижрочилик мактаблари билан таққослаб берган.

Ю.Ражабийнинг “Ўзбек халқ мусиқаси” (Тошкент 1958-йили.) “Чашмақом” (Тошкент 1958-йил.) Олти томлик китобларида: устозлар тазкираси, ижрочиларнинг қандай асарлар ижро этганликлари ҳақида сўз юритилади. Бу манбаъларда асосан мақомдан созандаларнинг ижро дастурлари кўрсатилған.

И.Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” (Тошкент 1963-йил.) китобида: ижрочилик хусусиятлари мақом нұқтаи назаридан ёритилған.

О.Матёкубовнинг “Мақомот” (Тошкент, 2004-йил) китобида ижрочилик санъати ҳақида сўз юритилади.

Маълумки мумтоз санъатимиз отадан–ўғилга, устоздан–шогирдга оғзаки равишда ҳозирги кунга қадар сайқалланиб, йетиб келди. Устозлардаги шогирдларга нисбатан қўлланилған созандаликни үргатиш услубияти ҳам маълум. Бу борада Бухоро–Самарқанд мақомчилик санъати, Фарғона–Тошкент мумтоз санъати ва Хоразм мактаблари мавжуд.

### ***3. Мусиқа чолгуларида гурӯҳли ижрочилик анъанаси. Замонавий чолгу жамоалари.***

Назарий машғулотларда овоз кучайтириш жиҳозлари орқали (магнитофон, мусиқа маркази), CD компакт диски, мини дискларга, компьютер программалари асосида файлларга жойлаштирилған аудио ёзувларидан, шунингдек видеопроектор ёрдамида DVD форматида ёки PowerPoint тақдимот дастурида тайёрланған материаллардан, тақдимот слайдлари, фортепиано, доска ва флипчарт доскасидан, бўр, мажмуа, маркерлар, магнитлар, А2, А3, А4 қоғозларидан фойдаланамиз, сиз тингловчилар ҳам фаол иштирок этасиз, деган умиддаман.

“миллий мусиқа” тушунчаси хусусида холис фикр ва мулоҳазалар амалий ишларимизнинг бошланиши бўлсин. “Миллий мусиқа”, деганда ким нимани тушунади?!.....

*Саволлар:*

1. Достон сўзининг луғавий маъноси нима ?
2. Номлари достонқилиб куйланган илк ҳалқ қаҳрамонлари кимлар?
3. Достон ижрочилари кимлар ва улар қандай куйлайдилар?
4. Достонлар қандай турларга бўлинади ?
5. Машҳур афсонавий достон ижрочилиридан кимларни биласиз ?
6. Достон куйлари ва уларнинг туркумлари қандай аталган ?
7. Достонлар қандай санъат ва уларнинг мақомлардан фарқи нимада?

### **Режага мос келадиган маъруза клейсиер педагогик технологияни кулаш мумкин**

#### **Адабиётлар**

1. И.А.Каримов. “Маънавий юксалиш ёълида” Тошкент, 1998 йил, 480 бет.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент, 2008 йил, 143 бет.
3. И.А.Каримов “Миллий истиқлол мағкураси–халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir” Тошкент, 2000 йил, 32 бет.
4. Кайковус “қобуснома” Форс тилидан Мухаммад Ризо Оғакий таржимаси, нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов, Тошкент, 2006 йил.
5. И.Кончева, А.Яковлева, “Вокалний словарь” луқат. Ленинград, 1986 йил.

## **2-Мавзу: Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар (2 соат)**

### **Режа**

1. Анъанавий ижрочиликни ўргатишда замонавийлик
2. Ижрочиликда дикқат эътибор масаласи.
3. Анъанавий ижрочиликда қўлланилган чолғуларнинг қайта ишланиши ва такомиллаштирилишининг ижобий ва салбий томонлари.
4. Мусиқий таълим тизимида анъанавий чолғу ижрочилигининг ривожланиши

Анъанавий чолғу ижрочилигини ўргатишда забардаст устоз созандалар услублари билан биргаликда замонавий услубларни уйғунлаштириш.

Ўзбекистон ҳудудида тарқалган мусиқа чолғулари. Миллий профессионал ва фольклор чолғулари. Миллий чолғуларни қайта ишлаш ва такомиллаштиришида маҳаллий усталарнинг иштироки. Янгидан яратилган ва такомиллаштирилган чолғуларнинг ўзбек мусиқа маданиятидаги иштироки. Чолғуларни ўзлаштиришда анъанавий устоз шогирд тизими билан бир қаторда нота асосида ҳамда тинглаб ўрганиш қўникмаларини хосил қилиш.

Маълум бир мусиқий асар Б.Асафев таъбири билан айтганда уч хил кўринишда мавжуд бўлади. Бу нота матни, яъни ёзув асосида, ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрода ва тингловчининг ҳаётий тажрибаси ва бадиий образларнинг унинг томонидан қабул қилиниши натижасида асарнинг ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

Мусиқий асарни ижро қилиш фақат ўша композитор нотага туширган фикру-хаёлларининг талқини бўлибгина қолмасдан, ижрочи учун ўта мураккаб жисмоний ва рухий кечинмалардан иборат жараёндир.

### **2. Ижрочиликда дикқат эътибор масаласи.**

Ижро бадиий жиҳатдан юксак бўлиши учун унда созанданинг дикқати, сезгиси, идроки, тафаккури, тасаввuri ва эмосияси (ҳис-туйғу ва ҳаяжон) фаол иштирок этиши зарур. Бундан ташқари унинг шахсий сифатлари, яъни мусиқий қобилияти ва иқтидори, қувноқлиги ва жўшқинлиги, дунёқарashi ва эркин фикрлаши, характеристи ва минталитети акс этмоғи лозим. Ушбу шахсий сифатларнинг барчasi инсон руҳиятининг ўзига хос хусусияти, бадиий-ижрочилик ижодининг таркибий қисми бўлиб, ҳали яхши тадқиқ қилинмаган мусиқий руҳшунослик (психология) соҳасига алоқадордир.

Дикқат – инсон фаолиятининг барча турларида бўлгани каби, мусиқа санъатида ижрочининг ҳиссий, интелектуал, ҳаракатга келувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим шартидир. Мусиқий фаолиятнинг барча турлари дикқат билан боғлиқ бўлиб, айниқса жамоа бўлиб ижро қилишда у жуда

мухимдир. Яъни ансамбл чалишдан аввал доирачининг ёки чангчининг кўтарилигани қўллари, ауфтакт, яккахон ва жўрнавоз ўртасидаги ишора ва ҳаракатларнинг ҳаммаси мусиқада дикқат деб аталади.

Айниқса дамли чолғулар ижрочиси жисмоний ва руҳий жиҳатларининг барча томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, ижро жараёнида ҳар бир чолғучи ўзининг мураккаб марказий асаб тизими, бутун сезги аъзолари, кўриш, эшитиш, хотира, ҳаракат майллари, мусиқий-естетик тасаввурлари ва ақлий фаолиятининг бир-бирига боғланган, мужассам ҳолда қатнашишининг гувоҳи бўламиз. Булардан «сезги» – инсон организми томонидан эшитиш, кўриш, ҳид билиш, тана сезгиси, таъм билиш ва ҳ.к. аъзолари орқали моддий дунёни англайди.

Бу мураккаб жараёнда созанданинг ақл-идроқи ва руҳий фаолияти ижрога қаратилган бўлиб, у ўзи ҳосил қилган ва ёнидаги ҳамроҳлари ёки жўрнавоз чалаетган товушларни эшитиши, нота матни, бармоқлар аппликатура пардаларини хис қилиши, (Най, қўшнай, болабонда) лаблари пуфлайдиган қисмини сезиши натижасида бош мияга ахборот йетади. Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда акс этишига «идрок» дейилади. Сезгида жисмнинг алоҳида қисмлари, идрокда эса ўша жисмнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда хис қилинади. Ўз ижросини эшитган созанда тажрибасига таяниб уни таҳлил қиласи ва умумлаштирган ҳолда хулоса ясаб хатоларини тузатиш учун қарши ҳаракатга шайланади. Аммо умумлаштириш ва хулоса ясаш учун инсон фикрлаши, мушоҳада ва мулоҳаза қилиши зарур. Бу тафаккурнинг вазифаси бўлиб, «Тафаккур» – объектив борлиқнинг фикрда, мушоҳада ва ақлда унинг таҳлили ва синтези билан акс этиш жараёнидир. У олий миянинг энг юқори маҳсули бўлиб, идрокдан фарқли ўлароқ, нарсаларнинг чуқур моҳияти ва мазмунини акс эттиради. Чолғу ижрочилигига буни уч босқичда кўриш мумкин. Ижрочи дастлаб кўриш, эшитиш, хис қилиш ва бошқа сезгилари орқали асарни бир бутун ҳолда (услуби, ҳарактери, асосий матни, тонлиги, ва ҳ.к.) англайди ва ҳар хил майда жиҳатларини аниқлашга интилмайди. Иккинчи босқичда ўз ижрочилик фикрини амалга ошириш учун турли ижро услубларини қўллаган ҳолда садоланиш, метроритм, суръат, агогика, динамика ва куй жумлаларига аниқлик киритади. қисқаси ҳар бир куй бўлаги устида қунт билан алоҳида ишлайди. Учинчи босқич ижодий жараённинг мураккаб поғонаси бўлиб, бунда ижрочи кўриш, эшитиш, сезги ҳаракат омилларига ва иккинчи босқичда ўз тажрибасидан ўтказган амалиётига таянган ҳолда асарни тўлиқ ва пишиқ анализ ва синтез қилинган шаклини бир бутун ҳолда тасаввур этади. «Тасаввур» билимнинг ибтидоси бўлиб, бош мияда (анализ ва синтез асосида) ҳосил бўлади ва тафаккурдан фарқли ўлароқ ижрочи ҳаёлида олдиндан акс этадиган тушунчалар тизими бўлиб, бадиий ижодиётнинг барча турларига ҳосдир. Тасаввурда инъикос акс этиб бош мияга ахборот йетгандан кейин бош мия орқали буйруқ берилади ва вужуд рефлекторларнинг турткиси, яъни тўхташ ва ёъналиш ҳаракатлари

бошланади. Рефлекторларга жавоб тариқасида ижро ҳаракатлари ва бошқа сигнал тизимлари ишга тушади.

Бунда созанда тайёр бўлган асарни қандай талқинда чалишни ва унинг тимсолларини ҳаёлида тасаввур қиласи ва онгиди қандай шаклланган бўлса шундайлигича тингловчига тақдим этади.

### *3. Анъанавий ижрочиликда қўлланилган чолгуларнинг қайта ишиланиши ва такомиллашибирлишининг ижобий ва салбий томонлари.*

Мусиқани бадиий англаш ва тушуниб етишда мусиқий тасаввур жараёни асос сифатида хизмат қиласи. Тажрибали тингловчининг тасавvuрида фақат жаранглаб турган товушлар йиғиндисигина эшитилиб қолмасдан ундан кейин келадиган оҳанглар, куй ҳаракати, лад ўзгариши, мавзу ҳам акс этади.

Инсон руҳиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири Ҳис, туйғу ва ҳаяжон (емотсия)дир. Киши ўзининг ҳәётий фаолияти жараёнида атрофини ўраб турган моддий борлик билан доимо мулоқотда бўлади. Бунинг натижасида шоду-хуррамлик, қайғу ва ғам, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, жаҳл ва ғазаб, ҳайратланиш, хафа бўлиш каби бошқа кўплаб майил ва туйғулар (объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари) инсоннинг эмотсионал ҳис-ҳаяжон ҳолатини ифодалайди.

Эмотсия (туйғу кечинмаларининг шакли) ижобий ва салбий турларга бўлинади. Ижобийлари: шоду-хуррамлик, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, ҳайратланиш ва бошқалар. Салбийлари: қайғу ва ғам, жаҳл ва ғазаб, хафа бўлиш кабиларидан ташкил топади.

Ижрочи-созанданинг фаолияти ҳис-ҳаяжон ва эмотсия билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ижодкор томонидан яратилган асардаги фикр ва мақсадни ундаги бадиий эмотсионал қиёфалар тизимини тингловчига йетказиб бераолиши зарур. Бунда созанда асар кайфиятига мос, чолғу садоланишида ўзига хос равишда қизғинлик, ифода ва жозиба бахш этган ҳолда ижро қиласи. Чолғу асари ҳеч қандай эмотсия ва ҳис-ҳаяжонсиз чалинган бўлса, тингловчи юрагига йетиб бора олмайди, уни бефарқ қолдиради ва у ижродан ва чолғучидан норози бўлади. Чунинг учун созанда ҳар бир асарнинг бадиий-емотсионал тимсоллар мазмунига чуқур кириб бора олиши, ундаги қайғуриш, зорланиш, қувониш, тантана, ҳазил ва бошқа кайфият турларини ишончли ёритиб бера олиши керак.

Мусиқий руҳшуносликда бадиий образ уч омил асосида очиб – ифодаланиб берилади. Буларнинг биринчиси моддий, яъни нота матни, чолғу товуши, куй, гармония, усул, динамика, тембр, регистр ва х.к. Иккинчиси руҳий, яъни кайфият, тасаввур, ифода, ирода, ҳиссиёт. Учинчиси мантикий, яъни шакл, жанр, мазмун каби омиллардир.

### *4. Мусиқий таълим тизимида анъанавий чолғу ижрочилигининг ривожланиши.*

Созанданинг ижрочилик амалиётида интеллектуал ва эстетик, яъни энг нозик ва гўзал олий нафосат эмотсия шаклланади. Ушбу ҳис туйғулар созанда ижрочилик фаолиятида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб онгли равишда турли восита ва ёъллардан фойдаланган ҳолда мусиқий асардаги бадиий образни очиб бериш учун хизмат қиласди.

Ижрочилик жараёнининг жисмоний ва руҳий асосларини чукур ўрганиш бўлғуси ўқитувчи, тарбиячи ва созанда учун жуда муҳим шартлардан биридир.

*Саволлар:*

1. Шарқ уйғониш даври олимларидан кимларни биласиз?
2. Хоразмшоҳлар саройида чалинадиган қуй туркумлари қандай аталади?
3. Хоразмшоҳлар Саройидаги машҳур ижрочилардан кимларни биласиз?
4. Мехтарлар кимлар ?
5. “Темур тузуклари” ва “Зафарнома”да қандай созлар ҳақида сўз юритилади ?
6. Алишер Навоий қайси асарида машҳур ижрочиларидан кимларни таърифлаган?
7. Дарвеш Али эътироф этган машҳур ижрочиларидан кимларни биласиз?

### **Режага мос келадиган маъруза клейсиер педагогик технологияни кулаш мумкин**

#### **Адабиётлар**

1. Ю.Ражабий “Ўзбек халқ мусиқаси” И, ИИ, ИИИ, ИВ, В томлар 1955–59 й.
2. Ю.Ражабий “Чашмақом” И, ИИ, ИИИ, ИВ, В томлар Т. 1966–72 й.
3. Ю.Ражабий “Мусиқа меросимизга бир назар” Т. 1978 й.
4. Е.Романовская “Ўзбек халқ қўшиклари” Т. 1939 й.
5. Е.Романовская “Записи музыкального фольклора” Т. 1957 й.
6. М.Юсупов “Ўзбек халқ мусиқаси” Т. ВИИ, ИХ том, 1962 й.

### **3-Мавзу: Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни (2 соат)**

#### **Режа**

- 1. Ўзбекистонда анъанавий чолгу ижрочилиги йўналиши бўйича таълим тизими.*
- 2. Чолгу ижрочилиги йўналиши бўйича таълимда амалий ижрони назарий таълим билан бойитиш ҳақида*
- 3. Ижрочиликда эришилган замонавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиши масалалари.*

Ўзбекистон мусиқий таълим босқичлари. Бошланғич мусиқий таълимнинг ислоҳ қилиниши ва мамлакатимизда яратилаётган шароит. Ўрта маҳсус мусиқий таълим муассасалари ва уларнинг чолғу ижрочилиги йўналишидаги бўлимлари фаолияти. Мусиқага ихтисослашган олий таълим муассасалари ва бўлимлар. Мусиқий таълимда узвийлик масалалари. Анъанавий мусиқа ижрочилигини ўқитишида таълимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Мусиқий таълимни такомиллаштиришда назарий таълимни амалий куникмалар билан мустаҳкамлаш масалалари. Анъанавий ва замонавий чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши. Ижрочиликда эришилган амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мусиқий таълим муассасалари учун методик қўлланмалар яратиш масалалари. Ўзбекистонда анъанавий ва замонавий чолғу ижрочилиги тарғиботи.

Жаҳон умуммузиқий педагогика тажрибасида мусиқа чолғуларини чалишга қизиқувчи номзодлар қобилиятини синаб кўришнинг турли ёълари мавжуд бўлиб, биринчи навбатда унинг мусиқий эшитиши, куйни эслаб қолиши ва усул сезгиси аниқланади. Бунда номзод чолғу асбобида чалинган товушни овозда такрорлай олмаса ёки қониқарсиз айтса, бунинг сабаби унинг олдин қўшиқ айтмагани ёки фортепианони эшитиб кўрмагани ва товуш хусусиятини тушуна олмаётгани бўлиши мумкин. Чунингдек, болани ўқитувчи ёки комиссия олдида тортиниши, ўзини ёъқотиши, ҳаяжонланиши натижасида ўз қобилиятини тўла намаён қила олмаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

- 2. Чолгу ижрочилиги йўналиши бўйича таълимда амалий ижрони назарий таълим билан бойитиш ҳақида.*

Истеъдодни дастлабки мусиқий қирраларини намаён қилиш учун номзодлар гурухлари билан ҳар хил синовлар, мусиқий мусобақалар ўтказган ҳолда энг иқтидорлиларини ва қобилияtlilarини танлашга имкон яратиш зарур. Ушбу танловда уларга ўзини эркин тутиш, қўшиқ айтиш ва рақс тушишдан тортинмайдиган мухит яратилсагина бола ўзига таниш бўлган қўшиқни бехато куйлаши, ёки шеърни ёддан ифодали ўқиши мумкин ва бу катта аҳамиятга эга.

Чундан кейин ўқитувчи томонидан берилган күй ёки таниш қўшиқни бошқа пардада куйлатиб унинг овозидаги парда тозалиги (интонасия) ва товуш оралиқлари (интерваллар, айниқса терсия, кварта, квинта ва ҳ.к.) нинг тозалигини аниқлаш мумкин.

Мусиқий хотирасини синаш учун болага икки, тўрт тект ҳажмдаги куйни чолғу асбобида чалиб бериб, куйлаш сўралади.

### *3. Ижрочиликда эришилган замонавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиши масалалари.*

Номзоднинг усулни сезиш қобилиятини текширганда унга таниш бўлган усулни такрорлатилади кейин эса секин аста нотаниш ва мураккаброқ усулларни чалдириб синаб кўрилади. Ушбу жараён муваффақият билан якунлангандан кейин боланинг тана тузилиши ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ва асосан ўз хоҳишига қараб маълум дамли, мизробли, тирнама ёки зарбли чолғуда ўқишга тавсия қилиш мумкин.

Миллий чолғулар чалишни ўрганмокчи бўлган номзодлар жисмоний баркамол, нафас ёъллари, ўпкалари тоза ва соғлом, тиш ва жағлари, лаб ва чакка мушаклари, бармоқлари ва тана тузилиши нормал ривожланган бўлиши жуда муҳим. Дамли чолғуларда ўқитишга танланадиган номзодлар 10-12 ёшга кирган бўлишлари мақсадга мувофиқ. Аммо кейинги йилларда мамлакатимизда 6-7 ёшли болаларни дутор, доира рубоб каби бошланғич тайёргарлиқдан ўтказиш орқали миллий чолғуларда ўқитиш тажрибаси қўлланилмоқда. Номзодлар жисмоний соғлом, тана тузилиши нормал ривожланган бўлиши билан биргаликда миллий чолғуларнинг ҳар бирига алоҳида танланади. Энг асосийси ҳар бир номзод у ёки бу чолғуда ўз хоҳишига қараб ўқиса, унинг барча жиҳатлари шу чолғуга мос келса, бундай машғулот устозга ҳам, шогирдга ҳам бирдай завқ келтиради ва муваффақиятлар гарови бўлиши муқаррар.

*Саволлар:*

- 1.Шашмақом қайси асрларга келиб шаклланган?
- 2.Шашмақом шўъбалари куй ва ашулалирининг яратувчиларидан кимларни айта оласиз ?
- 3.Кўқон хони саройидаги ижрочилардан кимларни биласиз ?
- 4.Бухоро Амири сарой созандаларидан кимларни биласиз ?
- 5.Хива хон саройи созандалари кимлар ?
- 6.“Танбур чизифи” нима ?
- 7.Қадимги ашулачилик услубларининг номлари қандай?

**Режага мос келадиган маъруза клейсиер педагогик технологияни қулаш мумкин**

## **Адабиётлар**

1. П.Зокиров “Бастакорлик ижодиёти” Т. 2009 й.
2. Н.Аҳмедова “Ғуломжон Ҳожиқулов” Т. 2008 й.
3. И.Ражабов “Мақомлар масалалариға доир” Т. 1971 й.
4. И.Фаниева “Тановорлар” Т., 2003.
5. З.Суюнова “Ғанижон Тошматов” Т., 2009.

**4 - Мавзу: Чолғуларни ўзлаштиришда nota асосида эшитиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари. Чолғуларда ижрочилик ҳолати ва уни йўлга қўйишнинг амалий аҳамияти (2 соат)**

**Режа**

1. *Миллий чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.*
2. *Камонли, торли чолғуларнинг ижро аппаратини қоидалари*
3. *Пуфлама чолғуларнинг имкониятлари ва хусусиятлари.*

Ижрочилик ҳолати деганимизда чолғу созини қандай ушлаш, уни ҳозирлаш ва чалиш учун, бутун тана, бош, қўллар, оёқлар, пуфлаб чалинадиган чолғуларда нафасни тайёр бўлиши тушунилади.

Ижрочилик ҳолати ўз ичига бутун тана, бош, қўллар, оёқлар, чолғуни ушлаш, лабнинг мундштукда жойлашиши (амбушюр) вазиятини мужассам этади.

Ижрочилик ҳолатини бошидан тўғри қўйилиши ўта жиддий вазифалардан бўлиб, юксак чолғучилик натижаларига эришишнинг энг муҳим гаровидир.

Тарихдан маълумки, чолғуларнинг такомиллашиши натижасида ижрочилик ҳолатида ҳам турли ўзгаришлар рўй берган. Масалан: қўшнай ва буламон чолғуларида овоз берувчи тиллар, юқорига қараган бўлиб ижрочининг устки лаби овоз берувчи тилни устига жойлашади.

**2. Камонли, торли чолғуларнинг ижро аппаратини қоидалари.**

Сурнай қадимдан лунж шиширилиб найпачоқда лаб билан эмас нафас кучи билан бошқарилади. Тошкент- Фарғона сунрай ижрочилиги чолғу ёълларида нафас билан биргалиқда товушни бошқаришда, нола-қочирим ишлатишда тил ҳам иштирок этади. Хоразм сурнайчилик ёъналишида қайтарма нафас ишлатилганлиги сабабли тил иштирок этмайди. Фақатгина стаккатоларда тил ишлатилади.

Танбур созида ўнг қўл кўрсатгич бармоғига ноҳун кийилиб, овоз чиқаришда ўнг қўлнинг вазифаси катта.

Аммо, парда босиш, нола-қочиримларда чап қўл етакчи ўрин тутади. Дуторда эса, тирнаб чалинадиган соз бўлгани учун ўнг қўлнинг барча бармоқлари иштирок этади. Бундан ташқари дутор зарблари доира усулини ҳам бериб, дуторнинг қопқоғига қўл билан усул (Дутор лазгиси, қўштор) берилади. Чап қўлнинг иштироки парда босиша ва товуш чиқаришда (қўштор куйида) ишлатилади.

Рубоб, уд чолғулари мезробли, яни мезроб (медиатор) билан чалинади. Мезроб ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасида ушланади. Симлари жуфтланганлиги сабабли, мезроб урилганда тебраниш яни созларнинг товуши кенгаяди. Чап қўл бармоқлари фақат парда босиш учун ишлатилади.

Чанг чолғуси ижрочи томонидан иккита чўп билан уриб ва териб чалинади. Чап қўл гоҳ-гоҳида овозни сўндириш вазифасини бажаради. Аммо, ўнг қўл етакчи, куй бошлашда акснет, ауфтақт береб ансамблларда дрижорлик, бошловчилик вазифасини ҳам ўтайди.

қонун чолғуси ўнг қўл ва чап қўлнинг барча бармоқларига ноҳун кийилиб қонун чолғусини тиззага қўйилиб бармоқлардаги ноҳун билан териб чалинади. қонун чолғуси ўтириб чалинади. Ғижжак ва сато чолғуларида ўнг қўлда камон ушланиб, чап қўлда парда босилади. Ёл ва симнинг ишқаланиши натижасида товуш ҳосил бўлади.

Доира чолғуси чолғучини ўнг ва чап қўллари, терига урилиши орқали овоз чиқарилади. Ноғора чолғуси чўпни терига уруш орқали овоз чиқаради. //

Сафойил чолғуси урма асбоблар туркимиға киради. Силкитиб асосий зарб, ижрочининг эгнига теккизиш орқали чиқарилади. қайроқ чолғуси тошни темирга уриш орқали овоз чиқарилади.

### *3. Пуфлама чолғуларнинг имкониятлари ва хусусиятлари.*

Олимларнинг фикрича, энг муҳими ижро жараёнида чолғучи тана аъзоларининг ҳеч қандай зўриқишилиз, қучанишилиз табиий вазиятни ижрочи ҳолатининг асоси қилиб олиниши зарурлиги уқтирилади.

Созанда дамли чолғуларда машқ қилганида тикка турган ҳолатда, йелка ва кўкраклар керилган, бошини тўғри тутган, оёқлар йелка кенглигига бўлмоғи керак. Танбур, дутор, рубоб, уд, чанг, қонун, ғижжақ, сато чолғуларини ўтириб чалганида оёқларни чалиштирмаслик зарур. Бошқа чолғуларда эса қўллар танага қисилиб жуда яқин турмаслиги, табиий ҳолатга мувофиқ эркин бўлиши зарур.

Чолғу асбобида бармоқлар жойлашуви уларнинг табиий ҳолатидан келиб чиқмоғи даркор. Айниқса дамли чолғулар пардаларида ўқувчи бармоқлари яrim эгилган табиий ҳолатда бўлиши, юқорига ортиқча кўтарилимаслиги, ён томонга сурилиб кетмаслиги зарур. Созанданинг саҳнадаги кўриниши ва ўзини тутишига ижрочилик ҳолати салбий таъсир қилмаслиги керак. Яъни ҳар хил бачкана қиликлар, ортиқча чайқалиш ёки чолғуни ҳар томонга ёъналтириш, қимирлатиш, тингловчига ёки жўрнавозга орқаси билан туриш каби кишининг ғашига тегадиган ҳаракатларни олди олиниши зарур. Чунки нотўғри ижрочилик ҳолатига кўнишиб осон, аммо уни тўғрилаш анча мушкул. Бунга мисол қилиб абитуриентларнинг консерваторияга кириш даврини келтириш мумкин. Бу пайтда турли муаммолар учрайди. Булар мезробли, урма, камонли, дамли

чолғуларда юқори регистр пардаларини ушлаб тура олмаслик, лабни тез чарчаб қолиши, товушларнинг тоза эмаслиги, аттака пайтида аниқликнинг ёқлиги ва бошқалар. Ушбу йетишмовчиликларни бартараф қилиш учун консерватория профессор-ўқитувчиси талабанинг чолғу асбобини ушлаш ҳолати, жойлашуви ва бошқа масалаларни кўриб чиқиши керак бўлади.

Аммо консерватория ижрочилик ҳолатини тўғрилайдиган жой эмас. Лекин консерватория профессори талабанинг ривожланишига унинг ижрочилик ҳолати исканжа бўлиб халақит бериб туришига ҳам қараб тура олмайди. Чу сабабдан профессор талабанинг олдинги ўқитувчиси қилган хатосини тўғрилашга мажбур бўлади.

Бундай ўзгариш қилиш учун ўқитувчи талабада қуидаги омилларнинг мавжудлигига амин бўлиши керак. Яъни юқори даражадаги жисмоний йетуклик (биринчи навбатда тишлари, лаблари ва нафас органларининг соғломлиги), юксак мусиқий қобилият эгаси эканлиги, меҳнатсеварлик ва мақсад сари интилиш каби хислатлар мавжуд бўлсаabituriyent ижро ҳолатидаги барча йетишмовчилик ва муаммолар кетказиладиган катта меҳнат, асаб ва вақт эвазига тўғриланиши мумкин.

Бундай хатоларнинг объектив ва субъектив сабабларидан келиб чиқадиган бўлсак Республикадаги 300 дан ортиқ болалар санъат ва мусиқа мактабларининг 10% да ҳам анъанавий созандалик бўлимлари мавжуд эмас. Мавжуд бўлганда ҳам, халқ чолғулари ижро услубида ўргатилади. Чунингдек, вилоятлардаги мусиқа ва санъат касб ҳунар коллежи ҳамда академик лицейларида мутахassislar этишмаслиги туфайли, бит тур мутахassislar иккинчи тур ихтисосликларига дарс беришга мажбур бўлишяпти. Масалан: найчи хонандаликдан, чангчи созандалар дутордан, сурнайчилар доирадан дарс беришяпти. Ана шу сабаблар боис кадрларни консерваториягача тайёрлаш ишлари ҳозирча кўнгилдагидек эмас.

#### **4-мавзу назорат саволлари:**

1. Ижрочи ҳолати деганда нимани тушунасиз ?
2. Ҳозирги чолғулардан қайси бирлари ижрочилик ҳолатининг ўзгаришларига учраган?
3. Ижрочи созанда саҳнада ўзини қандай тутиши керак?
4. Консерваторияга киришдаabituriyentларда қандай нуксонлар кузатилади?
5. Чолғу ижроиларини тайёрлашда Республикаизда қандай муаммолар мавжуд?

#### **Адабиётлар**

1. М.Худойназаров “Хожихон Болтаев” Т. 2004 й.
2. М.Худойназаров “Анъанавий яккахон қўшиқчилик” Т. 2005 й.

3. М.Худойназаров “Сарви хиромоним менинг” Т. 2006 й.
4. М.Худойназаров “Анъанавий ансамбл” Т. 2006 й.

## **5 - Мавзу: Ижро дастури ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гурухли ва якка машғулотларни режалашибтириш**

**(2 соат)**

### **Режа**

*1. Анъанавий ижрочиликни ўргатишда устоз шогирд тизими ва замонавийлик.*

*2. Анъанавий ижрочиликда машқ ва замонавий ижрочиликда этюдлардан, гамма ҳамда аккордлардан самарали фойдаланиши.*

*3. Анъанавий чолгу ансамблиниг ижрочилик қонун қоидалари.*

Халқимизнинг мусиқа мероси теран илдизларга эга. Мозийга назар соладиган бўлсак ўзбек мумтоз мусиқаси етти минг йиллик тарихга эга. Унинг асл анъаналари ўз бадиий ва эстетик қийматини йўқотган эмас. Мазкур анъаналар замонавий мусиқа маданиятимизнинг ажралмас бир бўлاغи сифатида хозирги кунда ҳам ўз навқиронлигини сақлаб қолган. Анъана аслида ўтмиш замон маданиятининг ўз ҳолича асрраб авайлаб бугунги кунгача соф ҳолатда етиб келишидир. Дархақиқат, мусиқа меросимиздан, халқ куй ва қўшиқларидан илҳомланмаган замонавий мусиқанинг бирор бир соҳасини топиш қийин. Оммавий эстрада қўшиқларидан тортиб симфоник мусиқалар, миллий опера, мусиқали драмаларнинг ривожланиши жараёнини мумтоз мусиқамиздан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, анъанавий ўзбек мусиқаси асрлар давомида икки асосий йўналишда ривожланиб келади. Халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор ва мумтоз мусиқа. Анъанавий мумтоз мусиқа, халқ оғзаки ижоди ҳамда замонавий бастакорлар ижодидан фарқли ўлароқ, мустақил йўналиш сифатида халқ мусиқаси ёки халқ мумтоз мусиқаси дея таснифланади. Сўнгти вақтларда асосан воҳага мансуб асарлар, Бухоро Шашмақоми, Хоразм ва Фарғона – Тошкент мақомлари, миллий халқ мусиқалари мумтоз мусиқа деб юритилмоқда. Халқ қўшиқлари, маросим қўшиқлари, воҳага хос қўшиқлар, достон, терма, ялла, лапар, айтишув каби асарлар эса халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор деб аталади. Аммо бу иккала жабхани бир биридан айро тасаввур қилиш қийин. Ўзбек халқ мумтоз мусиқаси хақида кенгроқ ва аникроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур “Мақомот” эшиттириши орқали уларнинг ҳар бирига вақти вақти билан алоҳида тўхталиб ўтамиш. Хозир эса Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумов ижро этган ашулани тинглаймиз.

Мумтоз мусиқамиз деганда энг аввало ушбу касб намоёндалари, моҳир созанда, хонанда ва бастакорларнинг ижодий махсулоти, мақомлар, йирик шаклли мураккаб куй ва ашулалар кўзда тутилади. Мусиқа меросининг ҳар иккала қатлами бир бирига боғлиқ ҳолда ривожланиб қолган. Халқ оғзаки ижоди мумтоз мусиқа учун илҳом манбаи, хаётбахш куч қувват бўлиб хизмат қилган бўлса, ўз навбатида мақом ва мумтоз ашулалар асосида юзлаб халқ куй ва

қўшиқлари яратилган. Оғзаки анъана ва мумтоз мусиқани боғловчи энг муҳим омилларидан бири уларнинг анъанавий ижрочиликда уйғунлашганлигидадир.

Мумтоз асар бу мақомга яқин бўлган асардир. Мақом шўйбаларидан кейинги келадиган халқ ижодидаги асарлар мумтоз асарлар дейилади. Муножот, Тортадур, Алиқамбар шулар жумласидандир. Фольклор эса халқ оғзаки ижодидаги асарлардир. Улар мумтоз асарлардан кейин келади. Улар бир бирига боғлиқ. Уларнинг орасига жуда яқин. Мақом, мумтоз йўл ва халқ оғзаки ижоди тартибида уларни қаторлаштириш мумкин)

Шу билан бир қаторда халқ оғзаки ижоди ва мумтоз мусиқанинг фарқли томонлари ҳам мавжуд. Фольклор асосан халқ яратган, қўпчилик бўлиб ижро этиладиган асарлар бўлиб, меҳнат ва маросим қўшиқларида ёки ёр ёр ҳамда ўланларда ижрочи, тингловчи, куй яратувчини алоҳида ажратиб бўлмайди. Улар бир бири билан узвий боғланган ҳолда бир бутунликни ташкил этади. Фольклор намуналари оммавий тарзда ривожланган бўлиб, куй шаклларининг соддалиги билан ажралиб турса, мумтоз мусиқани, асосан, шу соҳанинг намоёндалари тарқатади. Асарнинг мусиқасини маҳсус тайёргарлик кўрган бастакор яратади, шеърий матнларини аruz вазни ёки мураккаб бармоқ вазнида ижод этувчи мумтоз шоирлар ёзади, истеъоддли хушовоз хонанда ва мохир созандалар эса унга хаёт бағишлайдилар. Мусиқа намуналари эса ўзининг мураккаб ва пухталиги билан ажралиб туради. Бу борада етакчи жанр хисобланган мақомлар қадимда сарой шароитида, олиму фузалолар даврасида, илм тафаккурнинг энг юксак муҳитида яратилган. Уларни юксак савияда ижро этиш учун эса санъаткордан пухта билим, тажриба ва алоҳида маҳорат талаб этилади. Бу асарларни эшитиб идрок этиш учун ҳам маълум даражада тайёргарлик **лозимдир**.

Халқ оғзаки ижодига мансуб асарлардан бири “Алла”ни Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ижросида тингладингиз. Мусиқий фольклор намуналарининг қўпчилиги одатда меҳнат ва турмуш тарзига ёки бирор бир маросимга узвий боғлиқ равища жорий қилинади. Меҳнат ва маросим қўшиқлари фақат маълум бир шароитдагина юзага келади ва ҳаётнинг ўзидан олинади. Мумтоз мусиқа эса турмуш воқеълигига бевосита боғлиқ бўлмасдан мустақил бадиий ва эстетик ахамият касб этади. Масалан “Илғор”, “Баёт”, “Чўли Ирок” каби асарлар бирор бир турмуш тарзи ёки маросимга боғлиқ эмас, балки мазмуни ўринли равища бўлган турли шароитларда ижро этилиши мумкин бўлган ижод маҳсулидир.

Мумтоз мусиқанинг ривожланиши илм фан тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг илмий назарий негизлари узоқ ўтмишданоқ пухта ишланиб келинган. Мумтоз мусиқанинг назарий асослари Фаробий, ибн Сино ва Урмавий каби буюк қомусий олимларнинг рисолаларида ўз аксини топган. Шарқ мусиқа илмининг ажойиб ютуқлари мумтоз мусиқанинг ривожланишида муҳим таянч бўлиб хизмат қилиб келган. Демак, мумтоз мусиқанинг мафкуравий томони ҳам кенг тараққий топган. Замонавий мусиқашунослик фани бу борада чукур

изланишлар олиб бормоқда. Мумтоз мусиқанинг туб хусусиятларини очиш, моҳиятини тушуниш ва хозирги ижтимоий шароитда содир бўлаётган хаётий ўзгаришлар жараёнини кузатиш, шунингдек, тараққиётга муносиб ҳисса кўшиш учун ижрочилар билан биргаликда ижодий ишлар олиб борилмоқда. Мумтоз мусиқанинг тарихи жуда қадимий ва бой бўлса ҳам хеч қачон хозиргидек диққатга сазовор бўлган эмас. Мақомлар, ҳалқ мумтоз асарлари ва мумтоз бастикорлар яратган куй ва ашулаларни радио, телевидение ва интернет орқали эшитиб чуқур завқ оламиз. Юртимизнинг Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган энг йирик фестивалларидан бири “Шарқ тароналари”ни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бу фестивал анъанавий ижрочилик мавзусида ҳалқаро анжуман ва кўрик танловни ўз ичига олади. Айни дамда ушбу фестивалнинг гран при совриндори, “Шарқ булбули”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова ижросидаги ашулани тақдим этамиз.

Вазирлар Махкамасининг 910-қарорига биноан мусиқа мактабларини замонавий русумда қуриш, эскиларини қайта қуриш, жихозлаш, мусиқий созлар, ўқув адабиётлари билан бойитиш 2009 – 2014 йил давомида амалга оширилди. Бунда миллий чолғу асбобларимизнинг энг сифатлilari тақдим этилди. Ўқув адабиётларини болаларга хос бўлган намуналари танлаб олинди. Миллий мусиқамиз борасида Президентимиз 2010 йил 29 август куни В.И.Успенский номидаги иҳтисослаштирилган академик мусиқа лицейи очилишида “Биз миллий мусиқамизга кўпроқ эътибор қилишимиз лозим, чунки биз бу ноёб дурданаларимизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз керак. Европа маданиятини ривожлантирувчи давлатлар талайгина, лекин бизни санъатимизни фақатгина ўзимиз ривожлантира оламиз.” деб таъкидладилар. Бу фикрдан шу нарса аён бўладики, ўқувчиларни инсонпарварлик, ватанга мухаббат, билим ва маърифатга интилиш руҳида тарбиялаш, урф–одатлар, анъаналарни қадрлашга ундовчи омил бўлиб, улар хонандалик мусиқий таълимими замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ва шу билан биргаликда бўлажак хонандаларни эстетик тарбиялашни, миллий санъатимизни чуқур ривожлантириб, бошқа яъни бизга четдан кириб келган санъатларни инкор этиш керак дегани эмас, балки барча санъат турларини тўлалигича ўрганиб, менталитетимизга уйғун эътиқодларни олиб, келажак авлод вакилларига тўлалигича қолдириш асосий вазифалардандир. Ёт ғоялар ва турли оқимлардан келажак авлодни саклаш, ҳимоя этиш учун, ўз миллий мусиқасини устун қўйиб, ҳар бир бўлажак санъаткор миллий мусиқасини чуқур ўрганиб, кейин бошқа мамлакатларнинг мусиқаларини ўзлаштиrsa мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мусиқа таълими хақида маълумот беради. Болаларни асосан қулоқ орқали тарбиялаш керак. Она қорнида бола 4 ойликдан эшита бошлайди. Шунда унга фольклордаги кичик йўлларни эшиттириб бошлаш керак. Биринчи синф болаларига яллама ёрим каби куйларни эшиттириб уларнинг қулоғини миллий куйларимизга ўргатиб боришимиз керак. )

Мусиқа ва санъатга ихтисослашган касб хунар колледжлари ва академик лицейларда миллий мусиқамизни ўрганувчи анъанавий ижрочилик бўлим ўқувчилари миллий мусиқа меросимизни чуқур ўрганишга мослаштирилмоқда. Нисбатан мураккаб бўлмаган мумтоз асарларни ижро этиш баробарида уларни тахлил қилиш, тарихий негизларини ўрганиш ҳам жорий этилган. Олий таълим муассасалари ичида Ўзбекистон Давлат Консерваторияси “Анъанавий ижрочилик” кафедраси мумтоз мусиқамизнинг етук ижрочиларини тайёрлашда жонбозлик қилмоқда. Ўзбекистон Давлат Санъат ва Маданият Институти эса ҳалқ оғзаки ижодини ўрганиш ва изланишлар борасида етакчи таълим муассасаси хисобланади. 2011 йил бадиий жамоалар сафидағи Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига ва мақом ижрочилигини ўзига касб билган санъаткорлар учун “Мақом маркази” ташкил этилди. Бу марказда созанда ижрочилар, хонанда мутахассислар ташкил этилиб овоз ёзиш студиялари очилди. Бундан ташқари барча вилоятлар мақом ансамбллари сафи кучайтирилиб, таълим муассасаларини битириб чиққан ёш мутахассис ходимлар билан бойитилди. Хусусан, Хоразм вилояти мақом ижрочилари учун ҳам “Мақом маркази” мавжуд бўлиб, унга бошчилик қилаётган ака ука Эшжоновлар мақом ижрочилиги ривожига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Мақом жамоасининг Бухоро вилояти бўлимида эса аввалдан мақомга бўлган эътибор кучли бўлганлиги сабабли бугунги даврда бу санъатнинг ижрочилиги юксак даражада ривожланди.

### *3. Анъанавий ижрочиликда машқ ва замонавий ижрочиликда этюдлардан, гамма ҳамда аккордлардан самарали фойдаланиши.*

Маълумки, археологларнинг кашфиётлари ва бошқа тарихий манбаларнинг далолат беришича, қадимий Хоразм, Бақтрия ва Суғд элларида эрамиздан бир неча аср олдин, ниҳоятда бой ва ранг–баранг мусиқа санъати мавжуд бўлган. Айритом, Тупроққалъа, Афросиёб каби кўхна шаҳарлардан топилгантасвирий санъат обидалари, мусиқа ҳаётининг турли томонларига кенг жорий қилингандигидан ва муҳим ижтимоий аҳамияткасб этганлигидан дарак беради. Моҳир ижрочиларнинг қўлларидаги чанг (учбурчак арфа), удсимон, торсимон, найсимон, карнайсимон чолғу асбоблари эса узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган мукаммал созлардир. Юксак даражада тараққий топган мусиқа амалиётига муносиб дид ва чуқур илмий тафаккур, яъни мусиқа илми ҳам юзага келган. Мусиқанинг назарий асослари, шунингдек, ҳар бир даврнинг ўзига хос фалсафий ва эстетик қарашларига боғлиқ символикаси ҳам пухта ишланган.

Араб истилосидан олдинги даврларда ёзилган, бевосита мусиқага оид рисолалар бизгача етиб келмаган бўлса да, сўнгги вақтларда яратилган китобларда ўтмиш мусиқа тафаккури ҳақида бирмунча маълумотлар берилган. Фаробийнинг “Катта мусиқа китоби”, Хоразмийнинг “Илмлар калити” номли қомуси, Наршихийнинг “Бухоро тарихи” асари, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонлари ва бошқа манбаларда қадимги давр мусиқасига оид маълумотлар келтирилиб, Барбод, Саркаш, Озодвор, Накисага ўшаган забардаст чолғучи, бастакор ва мусиқашуносларнинг ижоди

таърифланади. Улар ижро этган мусиқа асарларининг номлари, мазмуни ҳамда ички тузилишига оид тушунча ва иборалар, шунингдек, ижрочилик анъаналари тилга олинади.

Шу ўринда Барбод ҳақида гапириб ўтмоқчимиз: Барбод Марказий Осиё ва бутун Яқин Шарқ ҳалқлари қадими мусиқа маданиятининг машхур намояндаси ва умуман рамзи ҳисобланади. Бу санъаткор Сосонийлар сулоласи Хусрав Парвиз замонасида, яъни 591–628 йилларда сарой созандаси сифатида ҳизмат қилган. Баъзи манбаларда уни Фахлобод, Барбод Марвий деб ҳам юритилган. Барбод асли Марвлик, яъни қадими Хоразмнинг шаҳарларидан бирида таваллуд топган. Унинг довруги ҳатто Хусрав Парвиз қулоғига етиб, саройга таклиф этилади. Барбоднинг маҳорати ҳақида кўплаб афсоналар, ривоятлар тўқилган шунинг учун ҳам баъзи олимлар уни афсонавий шахс деб ҳам юритишади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам Барбод ҳақида ривоятлар келтирилган.

Мумтоз мусиқанинг баъзи терминлари мавжудки булар мақом иборасидан ҳам илгарироқ бўлганлиги манбаларда келтирилади мисол учун **наво**, яъни оҳанг, куй, мусиқа асари, **парда**—чолгуларда бармоқ босилиб, товуш хосил қиласидиган жой, мусиқа асарининг муаян товуши ёки товушлар мажмуаси. **Достоннинг** маъноси эса парда сўзига яқин бўлиб, чолгуларда бармоқ ўрни, муаян товушлар мажмуасини билдиради. **Роҳ** эса йўл, яъни куй йўли, мусиқа матни маъносини англатади. **Лаҳн**—куй, мусиқа асари, **Қавл** ашула, шеър билан айтиладиган мусиқа асаридир. **Тасниф**—ҳамоҳанг куй, мукаммал мусиқа асари. **Хусравоний** шоҳона, яъни энг мукаммал мусиқа туридир.

Мусиқа йўллари турли тоифа ва туркумларга мужассамлаштирилган. Марказий Осиё ҳалқлари Араб истилосидан профессионал мусиқада машхур бўлганлардан бири Хусравонийлар туркумидир. Бу туркумга “Ганжи Арус” (Келинчак ганжи), “Ганжи Гов” (Сигир ганжи), “Ганжи Фаридун” (Фаридун ганжи), “Кини Сиёвуш” (Сиёвуш учун қасос) ва бошқа мусиқий намуналар кирган. Ҳар бир Хусравоний икки қисмдан ва ўз навбатида кичик бўлимлардан тузилганлиги ҳамда бу қуйлар овоз ва чолгуларда ижро этилганлиги қайд қилинади. Қадими мусиқанинг яна бир машхур турларидан бири лаҳнлар туркумидир. Бу қуйларнинг номлари ва тартиби манбаларда турлича келтирилади. Масалан Барбод номи билан боғлиқ ўттизта лаҳнлар шундай номланади. Уларни санаб ўтамиш: Ганжи бод овард

- 2.Ганжи.gov
- 3.Ганжи соҳта
- 4.Шодирвони марварид
- 5.Тахти Токидий
- 6.Нокусий

- 7.Оврангий
- 8.Хақقا ковус
- 9.Мохи бар кухон
- 10.Мушкидона
- 11.Оройиш
- 12.Нимрүз
- 13.Сабр дар сабз
- 14.Кафли румий
- 15.Сарвистон
- 16.Сарв саҳий
- 17.Нушин бода
- 18.Рамиш хон
- 19.Сози наврӯз
- 20.Машкуя
- 21.Мөхргоний
- 22.Марвинак
- 23.Роҳи шабдиз
- 24.Шаби фараҳ
- 25.Фараҳрӯз
- 26.Ғунча кабикдорий
- 27.Нахчиргон
- 28.Кини Сиёвуш
- 29.Кини Эраж
- 30.Боги Ширин

Бундан ташқари, Барбод тузган еттига Хусравоний ўттизта Лахн, уч юзу олтмишта парда, яъни манбаларда парда баъзан нағма деб ҳам юритилиб, бир бутун мусиқий тузилмалар тилга олинади. Мазкур тузилмалар асосида Марказий Осиё ҳалқларининг қадимиј космология, яъни коинот тўғрисидаги фанга қарашларининг таъсири яққол сезилиб турди. Бу туркumlар ой (қамар) йили

солномасининг асосига қарата қиёс қилинган. Еттига Хусравоний ҳафтанинг етти куни, ўттизта лаҳн–ойнинг ўттиз куни ва уч юз олтмиш достон эса йилнинг уч юзу олтмиш кунига нисбатан тузилган. Ўтмишда Шарқ нота ёзувлари оғзаки анъанадаги мусиқага мансуб бўлганлиги сабабли, фақат ёдда бор бўлган мусиқа йўлларини хотирага келтириш вазифасини бажарган. Шунинг учун мазкур қуйларнинг садоланишини ҳозирги вақтда аниқ тасаввур қилиш қийин. Аммо қўпчилик Шарқ халқларининг мусиқа маданиятини ривожлантиришда ушбу қадимий йўлларни муҳим аҳамият касб этганлиги шубҳасиз. Унинг анъаналари, кейинги даврларда юзага келган янги мусиқий туркумларга, хусусан мақомлар таркибиغا катта таъсир кўрсатган. Қадимий мусиқий йўлларнинг номлари ва умуман, бошқа хусусиятларини, ҳаттоқи бизгача етиб келган Хоразм мақомлари, Шашмақом ва Фарғона–Тошкент мақомлари шўйбалари мисолида ҳам кузатишимиш мумкин.

Тўққизинчи асрдан бошлаб Марказий Осиё ва умуман Яқин Шарқда ижтимоий ва аниқ фанларнинг ривожланиши билан бир қаторда, мусиқа илми ҳам кенг тараққий эта бошлади. Мусиқа санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни буюк донишмандлар Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Алъ Хоразмий, Абу Али Ибн Сино ҳамда уларнинг издошлари Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Марофий ва бошқа кўплаб санъаткорлар номи билан боғлиқдир.

Давр анъаналарига кўра, мусиқа рисолалари араб, кейинчалик эса форс тилларида ёзила бошланган. Лекин ўрта аср мусиқа илмига тор маҳаллий хусусиятлар нуқтаи назари билан қарамаслик керак. Фаробийнинг катта мусиқа китоби ҳалаб, яъни алеппо, Ибн Синонинг “Жавоми илми мусиқий”, “Урганч ва Хамадон”, Сафиуддин Урмавийнинг “Китоб ул адвор” ва “Шарафия” рисолалари Бағдодда ёзилган бўлса ҳам уларни фақат Шом яъни Сурия, Мовроуннаҳр ёки Ироқ мусиқасига тегишли деб бўлмайди. Гарчи бу асарларда мусиқанинг муайян турлари, айрим жойларнинг маҳаллий хусусиятларига тегишли маълумотлар бўлса ҳам улар асосан мусиқанинг туб қонунлари ва назарий асосларини кенг илмий тафаккур нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бу илмий мерос Марказий Осиё ва яқин Шарқ халқлари мусиқа маданияти ва биринчи навбатда оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа намуналарини илмий асосда ўрганишга ёрдам беради. Шуни айтиш жоизки, Ўрта аср илмидаги мусиқа ибораси профессионал мусиқани кўзда тутувчи тушунчадир. Ўрта асрларда ҳозиргидек мусиқани фольклор ва профессионал турларга ажратиш одати бўлмаган. Умуман фольклор тушунчаси илмга анча кеч жорий қилинган. Мусиқа фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиши асосан ўтган асрнинг ўрталарида бошланган. Ўрта аср илмларининг таснифланишига кўра, мусиқа арифметика, геометрия ва астрономия билан бир қаторда аниқ фанлар таркибиغا киритилган. Шу туфайли мусиқий ходисалар ҳамда унинг назарий асослари математик услублар ёрдамида очиб берилади. Мусиқа, математика илми бўлиб, унда куй яратилишини билиш мақсадида нағмаларнинг ўзаро мослашиши ва мосланмаслиги жихати ҳамда ана шу нағмалар орасида ўтадиган вақт ўрганилади. Аммо мусиқа илмини мутлақо

соф математик мавхумлик деб тушуниш ҳам ўринли эмас. Фаробий мусиқа илмини асослашда аввало мусиқа амалиёти пайдо бўлиб, кейин у ҳақдаги фикрлар вужудга келади деб таъкидлайди. Ўрта аср мусиқа илми ғоят серқирра бўлиб, унда назарий ва эстетик масалалар асосий ва етакчи ўринни эгаллади. Назария билан эстетиканинг ўзи ҳам бир биридан ажralган ҳолда эмас, балки ягона илми мусиқийнинг турли томонлари сифатида гавдаланади. Назарий жихатдан мусиқанинг таркибий қисмлари ва ички тузилиш қонунлари ўрганилса, эстетик тарафдан эса унинг мафкуравий асосларини очиб беришда қўлланиладиган тушунчалар устида фикр юритилади. Мусиқа илмининг классик даври хисобланган 9-11 асрларда хусусан, Фаробий ижодида мустқа назарияси ўз навбатида беш бўлимга ажратилган. Биринчи бўлимда ушбу илмнинг таркибий бўлакларини билиш учун лозим бўлган асос ва негизлар ҳамда уларни қўллаш таркибий бўлакларининг турли миқдорлари мусиқани тадбиқ этиш услублари шунингдек, тадқиқотчи қандай бўлиши хақида сўз юритилади. Иккинчи бўлимда, бу санъатнинг асослари хақида гапирилади. Нағмаларнинг хосил бўлиши, нағма турларининг сифат ва миқдори хақида, бир нағманинг иккинчисига муносабатини тушунтириш ҳамда бу фикрларни исботлашга тегишли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, нағмаларнинг жойлашиш турлари ва тартибига кўра мослашуви ҳамда шу асосда куй яратиш учун мумкин бўлган нағмаларни танлаш тушунтирилади. Учинчи бўлимда, асос, негиз ва исботлашга тегишли тушунчаларни ишлатиш яъни нағмаларни хосил қилиш учун лозим бўлган турли сунъий омиллар ёрдамида барча нағмаларни пайдо қилиш, уларни олдиндан белгиланган тартибда жойлаштириш, яъни илми мусиқа асосларини тушунтириш борасида сўз боради. Тўртинчи бўлимда, нағмаларнинг вазн асосини ташкил қилувчи усуллар хақида фикр билдирилади. Бешинчи бўлимда, умуман куй тузилиши, шунингдек муайян тартиб ва низомга кўра шеърий нутқ учун тузиладиган мукаммал куй яратиш, куйнинг турли мақсадларига кўра шеърий нутқ қўллаш услублари ушбу нутқ туфайли хиссиётга янада изчил ва таъсирchan мақсадга мувофиқ куйлар таърифланади. Шу ўринда монодия ибораси хақида маълумот бериб ўтамиз. Монодия одатда мусиқани баён қилиш услуби соҳасидаги тушунча сифатида қўлланилган. Хозирги кунда бир овозли куй маъносида яъни моно бир, мелодия куй деганидир. Мусиқанинг тафаккур услубини ифодаловчи тушунча сифатида ҳам ишлатилади. Кўп овозли мусиқа услублари гармония ва полифонияга нисбатан бир йўналишда ривожланувчи услуб, масалн дуторда ижро этиладиган куйлар, унинг икки торига кўра икки овозли, аммо бу овозлар мустақил ахамиятга эга эмас, балки бир йўналишдаги оҳангдорликдир. Дутор куйлари икки торда янграсада, монодик услубдаги асарлардир. Кейинги асрларда хусусан 13-аср Сафиуддин Урмавий ижодидан бошлаб мусиқа назарияси монодик мусиқанинг асосан икки бош мезони парда ва умуман товушларнинг баланд пастлик жихати, ўрни ҳамда вазн, товушларнинг вақт муносабати нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган. Булар нисбатан мустақил бўлган икки илмга ажратилади. Илму таълиф ва илму иқоъ. Илму таълиф тузилган, мослашган илм маъносини билдириб, гармония ёки композиция деб таржима қилинади. Куйнинг дастлабки зарраси- товушдан

тортиб, йирик мусиқа тузилмалари хақида тушунчалар беради. Күй бўлаклари савт яъни товуш, нағма яъни парда, тон, бўд – интервал, жинс – дастлабки күй тузилмаларининг пардаасослари, тўрт беш поғонали товушқаторлар, жаъм, яъни жинсларнинг биримасидан хосил бўладиган бир оқтава хажмдаги товуш тузилмаси. Интиқолот кўчиш, яъни куйнинг ичидаги асосий пардалардан ёрдамчи пардаларга кўчиши, аникроғи модуляцияси хақида фикр юритилади. Илму иқоъ эса мусиқа вазнининг энг кичик бирлиги нақр яъни асл маъноси чертиш, зарб вазнларини ўлчаш учун шартли равишда олинган бирлик ва улардан хосил бўладиган иқоъ яъни ритм, усул. Давр ритмик тузилма, даврий оралиқ, усул ритмик даврнинг муайян тури каби тушунчаларни ўрганишга қаратилган.

Шарқ мусиқа эстетикасида куйнинг пайдо бўлиши, унинг моҳиятини белгилаш энг кўп мухокама қилинадиган масалалардан хисобланган. Мусиқанинг пайдо бўлиш масаласи афсонавий, илохий ва ҳаётий тажрибага асосланган ҳолда турлича талқин этилади. Айримлар мусиқанинг пайдо бўлишини афсоналарга боғлаб, Қақнус ёки тошга ўйилган тешиклардан чиқкан садолар, энг мутаносиб мусиқа навлари бўлиб, инсон яратган ҳар қандай куйдан устун турганини таъкидлашган. Фаробий ва Ибн Синодек илғор олимлар мусиқани инсон фаолияти билан боғлайдилар. Масалан Фаробий эшлиш тажрибасидан ҳоли бўлган ходисалар мусиқага алоқаси йўқлигини таъкидлаб фақат қулоқ билан эшишиб идрокланадиган оҳангларгина мусиқа деб юритган. Ибн Сино эса мусиқани алоқа воситаси деб тушунган ҳолда фикр ва туйғуларни изҳор этишда сўз нутқини бирламчи, мутаносиб куйлашни эса ундан мукаммалроқ поғона деб билади. Агар товуш назм ва мутаносиблик билан безалган бўлса, у янада кучлироқ таъсир қиласи, деб ёзади “Жавоми илму мусиқий” китобида.

#### *4. Анъанавий чолгу ансамблининг ижрочилик қонун қоидалари.*

Тўлқин Қурбоновнинг торли чолгулар камер оркестри учун ёзилган олтинчи симфонияси 1985 йилда яратилган. Композиторнинг айтишича, бу асарга хеч қандай адабий мавзу асос қилиб олинмаган, аммо ҳар қандай тингловчи унинг мазмунини бирор қийинчиликсиз албатта тушуниб олади. Симфония уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида умр хақидаги чуқур ўй, ҳаёллар, ҳаётда рўй берадиган воқеа, ходисаларга муносабат ҳақида куйланади. Иккинчи қисми эса ўткир оҳанглардан иборат бўлиб, унда реал ҳаётнинг ҳиссий бўёқлардаги тасвири гавдалантирилган. Симфониянинг учинчи қисми фаол оҳанглардан иборат бўлиб, ижобий образ кўринишида асарни якунлаб беради.

Тўлқин Қурбонов Олтинчи симфонияни яратиш жараёнида ўзга хос услубдан фойдаланган. Албатта унда Европа симфонизми қоидаларига, жаҳон композиторларининг тажрибаларига таянгани сезилади, аммо муаллиф асосан ўзбек ҳалқ ижодидан ҳам усталик билан фойдалангани яққол кўриниб турибди, аникроғи унда ўзбекона услуб устунлик қиласи. Симфония аввалига сокинлик билан бошланади, иккинчи қисмда бир оз тезлашиш кўринади ва асар охирига етгани сари мусика тезлиги орта боради. Симфонияни бошидан охирига қадар тингласангиз аввал Хоразм ҳалқ куйларидан бири “Лазги”, изидан “Гирья”,

кейин “Тановар”, сўнгиди яна “Лазги” янграгандек бўлади. Бу куйлар орқали Тўлқин Қурбонов гўё инсон рухиятидаги ўзгаришларни тасвиrlамоқчи бўлгандек....

Композитор Тўлқин Қурбоновнинг ҳаёт фаолиятини кузатар экансиз унинг ижодида фақат юксалишни пайқайсиз. Ҳар бир яратган янги асари аввалгилариданда яхшироқ, фалсафийроқ ва мукаммалроқ чикади. Тўлқин Қурбонов Олтинчи симфониясини 49 ёшида ёзди. Бу асар композиторнинг айни ижодий жихатдан юксалиш даврига тўғри келди, ўзбек мусиқаси тарихидан истеъдодли композитор сифатида жой олишига сабаб бўлди. Санъатшунослар ва танқидчилар ҳам муаллифнинг ижодига юксак баҳо бердилар. Тўлқин Қурбоновнинг Олтинчи симфонияси ҳали яна узоқ йиллар ўзбек тингловчиларининг севимли асари бўлиб қолади.

*Саволлар:*

1. Қадимги одам нима учун инсон овозидан кучли товуш берадиган чолғуларни ўйлаб топган?
2. Тошасри нима ва унда чолғулар қандай гурухларга бўлинган ?
3. Авесто нима ва ундаги мадҳиялар қандай аталади ?
4. Кўшонлар даврида ижро қилинган асарлар қайсилари ?
- 5.Хусрав Парвез II саройида яшаб ижод этган ижрочилар кимлар ?
- 6.Борбад томонидан ижод қилинган асарлар номларини топинг ?

## **6 Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машхур чолғучиларнинг ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбик этиш масалалари**

“Биз миллий мусиқамизга кўпроқ эътибор қилишимиз лозим, чунки биз бу ноёб дурдоналаримизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз керак. Европа маданиятини ривожлантирувчи давлатлар талайгина, лекин бизни санъатимизни фақатгина ўзимиз ривожлантира оламиз.”<sup>1</sup>

И.А.Каримов

Мамлакатимиз президенти жон куйдириб бундай дейишларига сабаб аслида янги ёш авлод мусиқа ижрочиларини кашф этиш, жонлантириш, асрлар оша бизгача келаётган Мақом санъатини тарғиб этишдир. Бундан ташқари бу санъатни дунё миқиёсига олиб чиқиб, миллий мусиқамиз оҳангларини танитиш каби мақсад қўйилган. Бунинг учун юртимизда миллий мусиқа ижрочиларидан тузилган ансамбллар мавжуд. Айни мақоламиз ана шундай жамоалардан дунё юзини кўришга муштоқ бўлган жамоалардан бири Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблидир.

Дастлаб, шу ансамбль ҳақида: Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли буюк мутафаккир, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий томонидан 1959 йили Ўзтелерадио қошида ташкил этилди. Бу даврда ансамбл 14 созанда ва хонандалардан иборат эди.

1962 йилдан “Шашмақом” ва “Тошкент Фарғона мақом йўллари” асарлари илк бора граммпластинкага ёзила бошлади. Мазкур жараён то 1966 йилгacha давом этди. Маълумки, шу даврларда овоз ёзиш ускуналари нисбатан тарақкий топмаган эди. Бу ёзувлар асосан моно ёзилган бўлиб, шаҳар тинчлангандан сўнг, яъни автомобил ва трамвайлар шовқини тўхтагандан кейингина овоз ёзиш ишлари бошланиб, тонгача давом этар эди.



<sup>1</sup> Ахборот кўрсатуви “В.Успенский номидаги РИММАЛнинг янги биноси очилишида” 2010 й. 29 август.



Эътиборли томони шундаки, “Шашмақом”нинг Мушкилот ва Наср бўлимлари то ҳозирги кунга қадар 28 маротаба турли етук ижрочилар томонидан қайта ёзилган.

1976 йили ансамбл раҳбари Академик Юнус Ражабий вафотидан сўнг кўплаб етук санъаткорлар унга раҳбарлик қилиб келди. Жумладан: 1976–1979 йилларда Ўзбекистон халқ артисти, бетакор овоз соҳиби Ориф Алимаҳсумов, 1979–1981 йилларда Ўзбекистон санъат арбоби Шавкат Муҳаммедов, 1983–1987 йиллар давомида Ўзбекистон халқ артисти, етук бастакор Ганижон Тошматов, 1987 йилдан Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк ҳизматлари учун” ордени нишондори ва кўплаб давлат мукофотлари совриндори Абдуҳошим Исмоилов, 1998–2000 йилгача Ўзбекистон халқ ҳофизи Исройл Ваҳобов, 2000 йилдан то ҳозирги кунга қадар Абдуҳошим Исмоилов оқилона бошқариб келмоқдалар.

Ансамбл муваффақияти мусиқа раҳбарларига ҳам боғлиқ албатта. Ансамблнинг ривожланишида жонбозлик қилган созандалардан Ўзбекистон санъат арбоблари Фахриддин Содиқов, Темур Маҳмудов, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Абдураҳмон Ҳолтоҗиев, созандалар Тоҳиржон Турғунов, Муроджон Норқўзиевларнинг номларини алоҳида тилга олиш жоиздир.





Ансамблда миллий санъатимиз намуналаридан уч воҳа мақомлари, ҳалқ ижодиёти намуналари, бастакорлар асарларини қайта тиклаб, ЎзМТРК олтин ҳазинасига видео ҳамда аудио ёзувлар сифатида муҳрлашга муваффақ бўлишиди.

Бундан ташқари 1978, 1987 йилларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган симпозиумларида ансамбл муваффақиятли иштирок этди. 1979 йили Тоҷикистон мақом фестивали, 1980 йили Озарбайжонда бўлиб ўтган “Мугам” фестивалларида Ўзбек миллий санъатидан ҳорижлик мақом шинавандаларини баҳраманд этишди.

Деярли, барча “Шарқ тароналари” фестивал кўрик–танловида қўпгина хонандаларга жўрнавозлик қилишган. Жумладан: “Шарқ булбули”, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Сойиб Ниёзов ва Абдунаби Иброҳимов. Бундан ташқари ҳар сафар Мақом ансамбли фестивалнинг очилишида ўз санъатини жонли ижрода намойиш этади. Мустақиллик ва Наврӯз шодиёналари ва қўплаб давлат тадбирларида барча хонандалар мусиқаларини бойитиб жўрнавозлик қилиши барчага мальум.

Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли қарийб 55 йилдан бери ўз санъати ва миллий меросимизни ҳалқимизга етказиб келмоқда. Бу даргоҳда етук хонанда ва созандалар ҳизмат қилишган. Ҳалқимиз ардоғидаги санъаткорлар кўплаб етишиб чиққан. Ҳозирги кунда ҳам ансамбл фаолияти давлат тадбирлари, байрамларида жонбозлик қилиб, фаол қатнашмоқда. Жамоа бугунги кунда ёш созанда ва хонандалардан иборат бўлиб, ҳалқимизга бажонидил ҳизмат қилиб келмоқдалар. Шулардан (доирада) Шавкат Усмонов, (ғижжақда) Ўзбекистон ҳалқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Эргашев Миркомил, (қўшнайды) Икром Матанов, (найда) Фарҳоджон Қодиров, (чангда) Зиёдjon Рузимов, (кашқар рубобида) Тоҳиржон Турғунов, Мансуржон Мўминов, (дуторда) Дилноза Пардаевалар, шунингдек хонандалардан: Озода Ёрова, Бобур Кенжаев, Озод Тилланазаров, Тўрабек Мухторов, Роҳила Рўзимова, Камолиддин Алимаҳсумов, Адолат Исмоилова, Сардоржон Ғофуров, Орифжон Эргашевлар бор

маҳоратлари билан қадимий ва ҳамиша навқирон мақом ижроси билан астоидил шуғулланмоқдалар.

Бу санъаткорлар оддий эмас балки устозлар шу кунга қадар давом эттирган санъатни чирогини ёқиб ўтирувчиси, буюк санъатни келажак авлодга етказиб беришни ўзи зиммасига олган давомчилардир. Ҳар бири бир олам, бири биридан зукко, устозлар ўгитини тезда илғаб олиш ҳаракатида ўта қизиқувчан етук мутахассислардир. Ўйлаймизки бундан кейин ҳам ансамбл фаолияти юксалиб, Ўзбек санъатини дунёга таратади ва мамлакатимиз мусиқа санъатининг юзи бўлиб, узоқ йиллар фаолият олиб боради.

Мамлакатимизда санъат ривожланиб бормоқда бунга шак шубҳа йўқ! бизга Европадан кириб келган санъат турлари эстрада, академик вокал, оркестр ва хор ижрочилиги каби санъат турлари ўта ривожланиб, ҳатто Европа бу борада бизга ҳавас қиласа арзийди. Бизни дунё мамлакатлари иқтидорли ёшлари кўп, Европа классикасини моҳирона ижрочилари сифатида яхши танишади. Бизнинг миллий санъатимиз борлигини ва бу санъат дунёнинг барча классикасини бир қўшганда ҳам савияси юксак санъатимиз борлигини афсуски кўпчилик билмайди. Бу улар учун фақатгина қофозларда мавжуд ёки бизни юртимизда илгари яшаб ижод этиб, ҳозирги кунда АҚШ, Исройил ва бошқа давлатларга кўчиб кетган Бухоро ёхудийлари билан кетган деб ўйлади.

Аммо “фақир киши панада” деганларидек, мақом ривожи ва мутасадди ташкилотлар ёш ижрочиларни қўллаб, мақом тарғиботини эркин ташкил этиб берилса, мақом ансамбларини концертларига кўплаб ёшларни жалб этиш, ҳорижда бўлиб ўтадиган фестиваль, кўрик танлов ва концертларга маблағ ажратилиб, иш унумдорлиги оширилса, мақом ижрочилари илхомига илхом қушилиб, келажакда бу санъатни нафақат бизнинг юртимизда балки дунё ҳалқлари қизиқиб, балки мамлакатимизни иқтисодий юксалиши учун яна бир қадам бўлар эди.

### *1. Мақом ва ҳалқ мусиқа асарларидаги доира усуллари.*

Кишилик жамиятининг ибтидоий даврларидан бошлаб қадимги одам қадамларининг бир маромда ерга ташланиши, ов ёки бошқа жамоа тадбирларидаги такрорий ҳаракатлардан, қўлларини-қўлларига, баданига уришдан пайдо бўлувчи садолар, турли меҳнат қуроллари, буюмлар ёки тошларнинг бир-бирига тегишидан келиб чиқадиган ритмик товушлар – урма чолғуларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Шунингдек ритм-усул ибтидоий инсон ҳаётининг марказий унсури бўлиб, у жамоа фаолиятини бирлаштирувчи, уни борлик-табиат ва коинот билан уйғунлаштирувчи ягона восита бўлган.

Олимларнинг тахминича, аёллар кийим тайёрлаш учун терига ишлов бериш жараёнида кундага ёпишган ва қуриган тери ҳақиқий ноғорасимон сас чиқариши натижасида инсон диққатини жалб қилган. Бунинг натижасида эса ноғораларнинг турли шакллари келиб чиқкан деса бўлади.

Доирани яралишига алоқадор ривоятда шундай ҳикоя қилинади: қадимда мешкобчиларни сув ташийдиган мешларини тубига сув солғанда текис турсин учун гардиш ўрнатилган бўлиб, сувдан бўшаган чоғда ёз куни қуёшда терининг қаттиқ қизиши натижасида у таранг тортилган ва бармоқ билан чалган пайтда доирасимон сас чиқарган. Бу Тошкент доирачилари орасида устоздан-шогирдга ўтиб келган ривоятлардан ҳисобланади.

Эрамиздан олдинги икки мингинчи йилликка оид Самайлитош археологик қазилмаларидан топилган доирасимон чолғуларда ижро этаётган созандалар тасвири доиранинг қадим замонлардаёқ мавжуд бўлган урма чолғу эканлигини тасдиқлайди.

Бир ривоятда айтилишича, Искандар Афлотунга: «Сен шундай бир чолғу ясагинки, унинг саси ўн тўрт чақирим узоқдан эшишилсин, душман юрагига қўрқув ва даҳшат солсин», - дебди. Афлотун ўйлаб-ўйлаб охири катта қасқоннинг иккала томонига мол терисини қоплабди-да, уни таранг тортириб, кўс ноғора ясади. Ноғорани бир томонидан урилган зарб, иккинчи томонидаги терига таъсир қилган ҳолда акс-садо бериб, «Искандар! Искандар!» - деган даҳшатли овоз чиқар эмиш. Ҳозирги даврдаги икки томонига тери қопланган барча барабану довулларнинг яратилиши шундан қолган экан.

Марказий Осий ерларида олиб борилган қазишмалар натижасида олинган маълумотларга қараганда, ислом давридан олдинги замонларда доирага асосан аёллар жўр бўлган. Уларнинг доира усуулларига мос қўшиқ айтиши ва рақсга тушиши ўша даврларда шаклланиб, асрлар оша ривожланиб келмоқда. Доира қайроқ, занг ва сафойиллар оймома маросимларида коҳинлар томонидан кенг қўлланилган. Нисо пештоқларида тасвирланишича доира диний маросим рақсларига жўр бўлувчи мақбул чолғу саналиб, айrim ҳолларда рақсга тушувчиларнинг ўзлари, баъзан эса маҳсус доирачилар томонидан ижро этилган.

Зарбли чолғуларда чалиш барча халқларда ҳам энг завқли ва зарурий машғулот бўлиб бу ҳақда мусулмон оламининг буюк файласуф олими Абу Ҳомид ғаззолий ўзининг «Кимиёи саодат» китобининг «Симонинг (баъзи) харомлиғи баёнида» фаслида шундай дейди: - «Суруд ва рубоб ва чанг ва барбат ва най ароқ бирла бўлса харомдур. Чунки бу нимарсалар шаробхўрлар одатидур. Ҳар нимарсаки, уларга хосдур-харомдур. Чунки булар шаробни ёдига келтиур ва анинг орзусини зиёда қилур. Аммо табла ва даф чалмоқ харом эмас. Агарчи салосил, яъни занжирлари ва қайроғи бўлса ҳам. Чунки даф ва табла ҳеч асрда рад бўлмабдурки, ўзга нағмаларга муни қиёс қилиб бўлмас. Ҳазрати расул а.с. ҳузурларида даф чалибдурлар ва тўй маъракада даф-доира чалмоқға фармон қилибдурлар. Табла чалмоқ ғозийлар ва ҳожиларнинг расмидур» \* Бундан кўриниб турибдики мусулмон оламида бошқа чолғуларга қараганда зарбли чолғулардан даф-доира ва табла чалиш қўллаб қувватланган. Айниқса буни «Темур тузуклари»даги далиллардан ҳам билишимиз мумкин.

Ўзбек ҳарбий зодогонларининг юксак маърифатли вакили бўлган Амир Темур мусиқа санъатининг муҳим эстетик аҳамиятини маънавий омил сифатида ҳарбий мусиқа турларини қўшинларнинг жанговарлик рухиятини олий даражада

сақлаб турувчи күч деб билган ва унинг ривожига катта эътибор берган. У тарихда биринчи бўлиб, аскарларни жанговар байроқлар ва мусиқа чолғу асбоблари билан тақдирлаш одатини ҳарбий удумга киритади: «Амр қилдимки, - деб ёзади «Тузуклар»ида, - қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ёғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар – фахрли хитоб, туг ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар» («Темур тузуклари» 97 б).

Марказий Осиёда яхши таниш бўлган ноғора турлари кўс, табира, алтабра, бир томонли ноғора, чиндоул, доул-паз, катта ноғора кабилардан фойдаланилган.

### **Зарбли чолғуларни асл маъносига қараб кўрадиган бўлсак**

Зарб арабча - урмоқ, ёки уриш деган маъноларни билдиради ва мазкур чолғуларда асосан зарб билан уриш, бармоқ билан чертиш, силкитиш ва бошқа харакатлар орқали товуш ҳосил қилинади.

Уларда товуш ҳосил қилувчи унсур сифатида махсус қоплама (мембрана) ёки чолғу асбобининг танаси (корпус) хизмат қилиши мумкин ва булар икки турга бўлинади:

- а) Мембронафон (қоплама) чолғулар, уларга махсус тери ёки пластик қопланган барабан, нағора, доира, том-том, литавраларнинг турли хиллари ва бошқалар киради;
- б) Автофон (ўзи товуш берувчи) чолғулар бўлиб, уларнинг ўз танасидан товуш ҳосил бўлади. Булар: турли тарелка (жарас)лар, қайроқ, сафойил, ва бошқалар.

Ижро техникаси жихатидан зарбли чолғуларни чўплар, қўл бармоқлари билан, бир-бирига теккизиб (уриб) ва силкитган холда чалинадиган ҳар-хил турлари мавжуд. Бундан ташқари улар паст, ўрта ва юқори регистриларга ажратилади.

**Дойра** - аниқ товуш баландлигига эга бўлмаган ва ўзбек халқ чолғулари ичida энг кенг тарқалган зарбли чолғулардан биридир. Дойранинг гардиши (бук, тут, ўрик, ёнғоқ, ток дараҳтлари) ёғочларидан

Дойра ритмик ва динамик усул имкониятларига жуда бой чолғу бўлиб, унда иккала қўлнинг барча бармоқлари ва шапалоқ билан ижро қилинади. Доира айrim қадимий тасвирдагиларга нисбатан баъзи ўзгаришларга учраган. Масалан, ҳозирги доира гардишида кичкина лаппаклар ўрнатиладиган тешиклар йўқ. Унинг ўрнига гардишнинг ички томонидан осиладиган маъдан ҳалқачалар, яъни «шинғироқ»лар мавжуд.

Доира ўзбек ва тоҷикларда «доира», «чирманда», «чилдирма», «дап», эрон ва мисрликларда «дафф», озарбайжонларда «дэф», «дойре», «гавал», туркмандарда «депрек», айrim Шарқ мамлакатларида «дабу» номлари билан кенг тарқалган.

Доирада усул тизими қадимдан шаклланган бўлиб, устозлар томонидан «бум», «бак», «бакко» ёки «бакка», Хоразмда «гум», «тақ», «таққа» атамалари билан юритилган. Бунда «бум» нисбатан паст товуш бўлиб, тўртта бармоқни биргаликда доира ўртасига уриш натижасида чиқарилади. «бак» эса доира гардишига яқин жойига тўртинчи бармоқ билан уриб ижро этилади. қадимги манбаларда юқоридагидек «бум», «бак», «бакко», «бакка», ёки «Хоразм танбур чизифи»да «гум», «тақ», «таққа» атамалари билан юритилган. XIX асрнинг ўрталарида доира усуллари бир чизикли, («бум» чиғиқнинг пастида, «бак» чизикнинг устида) нотага туширила бошлаган.

Доира чап ва ўнг қўл шапалоқ ва бармоқларининг навбатма-навбат иштирокида чалинади. Халқ чолғу асбоблари оркестри ва шу мутахассисликда дойра партияси ўнг қўл учун иккита ва чап қўл учун иккита нота чизигига ёзилади ва улар акколада билан бирлаштирилади.

Доира ижрочилигига турли безаклар ҳам мавжуд бўлиб улар қуйидагича ифодаланади.

**«Нұқта»** - доиранинг ўртасига ёки четига чертиб чалишни билдиради. У (.) белгиси билан ифодаланди.

**«Пона»** - доира гардишининг энг чеккасига жимжилоқни тўртинчи бармоқ устидан сирпантиришни англатади ва (▼) белгиси билан ифодаланди.

**«Илон изи»** - бошмалдоқ учи билан доира гардишининг терига туташган еридан ўзига томон сирғантириб, дириллатиб чалишни билдиради ва ~~~~~

илон изи чизикча билан белгиланади.

**«Нохун»** - қадимдан кекса авлод доирачилари оммавий байрам ва сайилларда карнай, сурнай, ноғора билан биргаликда чалганда доира зарбларининг янада кучли бўлиши учун иккала қўлларнинг тўртинчи бармоқларига темир нохунчаларни кийиб чалишган.

**Катта ва кичик нағоралар** – турли катталиқдаги саполдан ясалган жуфт (иккита) туваклардан иборат зарбли чолғулар. Баъзида тувакчалар металдан ҳам ишланади. Тувакларга таранг қилиб тортилган териларни товуши аниқ баландликка эга бўлмаса ҳам қиздирилганда кўтарилади.

Иккала нағоранинг бир-бирига нисбатан сози тахминан кварталоралиғида бўлади. Нағорага ёғоч чўплар билан урилиб товуш ҳосил қилинади. Нағора ўзининг кескин жарангли тембри билан ажralиб туради. Нағора партиялари бир чизикда оддий нота ёзуvida ифодаланди. Чизик остида бам (паст)нағора товуши, чизик устида зир (баланд) нағора товуши ёзилади.

**қайроқ** - тўртта силлиқланган узунчоқ қайроқ - тошчалардан иборат. У зарбли чолғулар таркибига киради ва турли ритмик-усулларни чалиш учун қўлланилади. Хоразм қайроқларининг иккитаси темирдан ва иккитаси тош-қайроқдан ясалади.

қайроқни ижрочи ҳар қўлида бир жуфтдан (бош бармоғига биттасини ва қолган бармоқларига бошқасини) ушлайди ва бир бирига уриши натижасида қуруқ чаққиллаган товуш ҳосил бўлади.

қайроқ асосан рақс куйларида асар колоритини бойитиш мақсадида ишлатилади.

қайроқда ижро қилинадиган штрихлар: **tremolo, staccato.**

**Сафойил** - зарбилилар ичида ўзига хос чолғу бўлиб, шаққилдоқлар турига киради. У юқори томонига иккита катта темир ҳалқа ўрнатилган жуфт таёқча бўлиб, катта темир ҳалқаларнинг ҳар бирига ўн олтига темир ҳалқачалар кийгизилган.

Ушбу чолғуда товуш уч хил йўл билан амалга оширилади: кичик ҳалқачаларни титратиш, ижрочининг ўнг елкасига сафойилни уриш ва шунингдек сафойилни олдинга силкитиб катта ҳалқаларни таёқчага урилишини таминлаш натижасида товуш ҳосил қилинади.

Сафойил асосан рақс куйларида ҳалқ чолғулари ансамблига жўрлик қиласиди.

**қошиқ** - тут ёғочидан 160-180 мм, ҳажмида иккитаси ўйиб ясалади ва тери тасмачалар билан жуфт қилиб бойланади. қошиқларни силкитиш ёки қўлнинг кафтига уриш натижасида товуш ҳосил қилинади. қошиқлар ўзи якка ҳолда ритмик усуларни чалиши ёки дойрага қўшилиши мумкин.

Ушбу чолғу дунёнинг турли мамлакатларида кастанъет ёки испанча кастанъет каби номлар билан раққослар рақс тушганда усулни янада бўрттириб қўрсатиш учун ишлатилади.

Хозирги даврда қошиқ ҳалқ чолғулари ансамблида замонавий куйларни чалишда ишлатилади.

3. Машхур чолгучиларининг ижодини намуна сифатида ўргатиш услублари.

Ўрта асрларга келиб дехқончиликнинг ривожланиши, шаҳарларда бунёдкорлик ишлари, Моварауннаҳр ва Хурросонда адабиёт ҳамда санъат ривожиига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса Амир Темур давридаги ҳарбий юришлар натижасида турли мамлакатлардан келтирилган ҳунармандлар, олимлар, хонандаю созандалар шаҳар маданиятининг ўсишига катта хисса қўшдилар ва санойи нафиса билан қизиқувчи ёшларга ўз ҳунарларини ўргатдилар.

Бу даврда «“Ноғорахона” лар пайдо бўла бошлайди. Ноғорахона ва у ердаги бош ноғорачининг вазифаси кун чиқиши, тушлик ва кун ботиш пайтида куйлар чалиш, кейинчалик сутканинг ҳар соатига мўлжаллаб ижод қилинган мақом, шўъба ва овозаларни ижро қилиш, айниқса рўзайи рамозон ойларида рўзадорларни сахарликка уйғотадиган куйлар чалиш ноғорахоналарда амалга оширилган.

Амир Темур томонидан отда чопиш, кураш, найзабозлик, қиличбозлик, ёйандозлик ва бошқа ҳарбий ўйин мусобоқалари ҳамда кўпкариларининг ҳар томонлама тақдирланиши ҳарбий мусиқа, айниқса очик ҳавода ижро қилинадиган дамли ва зарбли чолғуларнинг аҳамиятини оширди. Маҳоратли созандаларнинг етишиб чиқишига кенг йўл очиб берди. Бундай катта тантаналар Хиротда, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда «тарабхона», «томушагоҳ», «сайилгоҳ» каби майдонларда ўтказилган. Томоша ёки сайил бошланишидан олдин сурнай, карнай, тобил, ноғоралардан ташкил топган гурух ижросида «Оломон йифар», «Шодиёна», «Баҳри тобил» ва шуларга ўхшаш аҳолини йиғинга чорловчи куйлар чалинган.

Меҳтарлик гурухлари янада ривожланиб уларнинг дастурларида «Аскарий», «Меҳтарий», «Илғорий», «Сарбозча», «Дучава», «қашқарча», «Шарқия», «Усмония» ва бошқа куйлар ижро қилинган.

«Амр қилдимки, - деб ёзади «Тузуклар»ида, - қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар – фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар» («Темур тузуклари» 97 б).\*

Шуниси эътиборлики, Амир Темур лашкарида мусиқа чолғулари фақатгина маънавий рамзиёт ҳисобланмасдан, балки кўпроқ ҳолларда асосан ҳарбий матонат, шиҷоат нишони, жангчиларнинг табака ва мартабаларини кўрсатувчи ҳарбий даражада белгисини англатган. Бу борада

«Тузуклар»да шундай дейилади: -«Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир нағора берилсин. Амир ул умарога байроқ ва нағора, туман туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта нағора берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, нағора, чортуғ ва бурғу берсинлар» («Темур тузуклари» 100 б).\*\*

Амир Темурнинг мусиқа санъатини юқори даражада баҳолаши, чолғулардан ҳарбий нишон, жасорат рамзи сифатида фойдаланиши – жаҳон муҳораба санъати тарихида мислсиз воқеадир.

«Темур тузуклари»да жангчиларни сафарбар этиш чоғида инсон овозидан, айрим маҳсус интонацион тузилмалардан кенг фойдаланилганлиги ҳакида маълумотлар келтирилади: «Яна амр этдим, - дейди у, - сипоҳилар ғаним

лашкарларига күзлари тушиши ҳамоно, баланд овозда «Оллоху Акбар» деб такбир айтсингилар ва сурон билан(жанговар чақириқ «урхо-ур» солиб) душман чериги устига бостириб борсингилар» («Темур тузуклари» 125 б).

Амир Темур армиясининг ҳарбий оркестри – дамли ва зарбли чолғуларнинг хилма-хил турларидан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги

Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, қораҳонийлар ва Хоразмшоҳлар даврларида машҳур бўлган. Бунда азалдан Марказий Осиёда яхши таниш бўлган ноғора турлари кўс, табира, ал-табра, бир томонли ноғора, чиндоул, доул-паз, катта ноғора кабилардан фойдаланилган. Ўрта аср миниатюраларидағи тасвиirlарга қараганда, қўш нағоралар сипоҳий созандалар томонидан отнинг устида, эгарнинг икки тарафига жойланиб чалинган. Катта кўс ноғора эса аксарият миниатюраларда түяниг ўркачига ўрнатилган ҳолда тасвиirlанган. Довул чолғуси ўша пайтда дуҳул номи билан машҳур бўлган. Бир қалъани забт этиш манзарасини тасвиirlай туриб, Али Яздий ёзди: «Унда (яъни қалъада) 300 эркак дуҳул ва сурнайларни чалиш билан тамоман машғул эди». Амир Темур оркестрида, шунингдек мусулмон Шарқида азалдан машҳур бўлган tabla ва мисдан ясалган жарас (лаппак-тарелка) урма чолғуларидан кенг фойдаланилган.

Зафарномада коварга – коварка чолғуси жуда кўп жойларда тилга олинади. Манбаларда келтирилишига қараганда бу зарбли чолғу бўлса керак. «Лашкар ҳозир бўлиб, тартиб берилди, коварка ва бурғу уриб, юзландилар... (Зафарнома, 148 а)». Ушбу чолғу сўнгги асрларга оид манбаларда деярли қайд этилмайди.

Соҳибқирон ҳарбий оркестрининг дамли чолғулар гурухи хилма-хиллиги билан фарқланади. Бунда мисдан ясалган карнай, тирсакли карнай, нойи-румий, нойи эбан, сурнай ва қадимги туркий сўз «буғу»дан олинган бурғу чолғулари меҳтарлик гурухининг оркестр таркибиға кирган.

Амир Темур қароргоҳидаги меҳтарлар гурухидаги бурғучилар доимо ҳозир бўлганлар. Али Яздий келтирган бир маълумотда айтиладики, қарши шахрини қамал қилиш чоғида «Соҳибқирон ҳазрат фармон бердиларки – бурғу чолсингилар, ки оқибат қарши аҳолисининг кўзларидан уйқу қочиб, нафир ва бурғу товушларидан таҳайюр дуди уларнинг бошлариға урди ...» (Зафарнома 119 а). қарши забт этилгандан сўнг Соҳибқирон Дарвешак бурғучи исмли ҳарбий созанда хизматини алоҳида тақдирлайди. Бурғу чолғуси кейинчалик Бобур лашкарларини мусиқий чолғуси рамзи сифатида Ҳиндистон маданиятига ҳам кириб келади.

Қадимги даврдан ҳозирги кунгача машҳур бўлган сурнайлар қаторида темурийлар меҳтарлигига янги туркий анъаналар билан боғлиқ «Чабчиғ» ва «Шон» чолғулари ҳам кенг қўлланилади. Ҳожа Абдулқодир Марофийнинг маълумотларига қараганда, чабчиғ кўпқамишли «мусиқор» (Оврўпадаги Пан флейтасига ўхшаш) асбобининг бир тури бўлиб, моҳир созандалар уларга ёрдамчи парда тешикчаларни қўшишган.

Ўша пайтдаги ҳарбий мусиқа турларининг мазмуни, оҳанг тизими хусусида манбаларда маълумотлар келтирилмаган. Уларнинг фақат номлари ва усул шаклларигина сақланиб қолган. Масалан Марогий ўз рисоласида Самарқандда ижод қилган «Зарбул фатҳ» ва «Даври Шоҳий» усулларини келтиради.

Булардан кўриниб турибдики, Темур ва темурийлар даврида ҳарбий мусиқа мустақил жанр сифатида узил-кесил шаклланган, меҳтарлар гуруҳи эса янги чолғулар билан янада бойиган.

XVII асрга келиб таҳт учун феодал урушлар икки дарё оралиғида жойлашган мамлакат ва ҳалқлари орасида тарқоқликнинг кучайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида мусиқа санъатига бўлган эътибор ҳам анча сусайди. Марказий Осиё Бухоро, Хива ва қўқон хонликларига бўлинниб кетди. Ушбу хонликларда давлат тепасига келган хон ва амирларнинг шеърият ва мусиқа санъатига бўлган эътиборига қараб санойи нафиса турлича ривожланди. Бундай ривожланиш ҳам маҳаллий ўзига хосликни касб этди. Саройда меҳтарлар гуруҳлари қадимдан шаклланган ўз вазифаларини бажариб келганлар ва ҳалқ ичидан чикқан созандалар, дамли чолғулар усталари дорбозлар, “Чодир ҳаёл” - қўғирчоқбозларга жўр бўлганлар, тўй, сайил ва байрамларда хизмат қилганлар.

қадимдан шу давргача ҳалқ орасида қуйидаги чолғулар истефода қилинган:

**ғажир - най, чўпон – най** чолғуси тўғри цилиндр шаклидаги икки томони очик най бўлиб, чўл бургутининг ғовак суягидан ишланади. Узунлиги 300 м.м. Бармоқ билан босиб чалинадиган 4 та тешикчадан иборат. Диатоник товушқаторга эга. У чўпонлар амалиётида кўпроқ қўлланилади ва лирик тарздаги кичик куйлар ижро қилишга қулай.

Ушбу найнинг беш тешиклиги ҳам мавжуд бўлиб, у бургут қанотининг гавдасига яқин жойидан ясалади. Ушбу найнинг бош томонидан тиш билан лабнинг оралиғида тепа жағга жойлаган ҳолда пуллаб чалинади. У хуштаксимонлар оиласига киради.

**Ишвалак, ушбуллак, лойхуштак** - турли қуш ва жонзотлар шаклида саполдан ясалади ва ҳар хил бўёқлар билан безатиладиган хуштаксимон чолғу. Унинг хуштак ҳосил қиласидиган битта тешиги ва бармоқ билан босиладиган иккинчи тешикчаси мавжуд. Ишвалак асосан болалар ўйинчоғи сифатида қўлланилади.

**Сибизик** - (бизилловчи маъносида) 150 м.м., узунлиқдаги ғаров қамишдан ясалган чолғу. Унинг бош қисмида тилча кесиб очилган, бармоқ билан босиладиган учта тешиги бор. Товушқатори диатоник. Сибизик чўпонлар чолғуси бўлиб, унда шўх – ўйноқи куйлар чалинади. Сибизик Туркманларнинг дилли-туйдуқига ўхшайди.

**Най** - цилиндр шаклида 400 – 600 м.м. узунликдаги ёnlама чолғу бўлиб, мевали ёғочдан (ёғоч -най), бамбуқдан (ғаров - най), оқ мисдан (мис - най), латундан (бринж - най) ясалади. Найда бармоқ билан босиладиган б та асосий тешик бўлиб, улардан ташқари пуллаш учун тешик, ёғоч ва ғаров найларда асосий тешиклари орасида битта ҳамда қуи қисмида яна тўртта тешиклар мавжудки, буларнинг барчаси най товушига чиройли тус бериш учун очилган. Найнинг товушқатори диатоник бўлиб, икки ярим октава (биринчи октава ля дан тўртинчи октава ре гача) товуш кўламига эга. Иккинчи октава ля товушидан юқори пардалар нафас босимини кучайтириш йўли билан ҳосил қилинади. Созандалар ижро давомида ва айниқса юқори товушларни ҳосил қилганда мураккаб (асосий пардаларда ўрта бармоқларни очган ҳолда «вилочнўй») аппликатурани кўллайдилар. Най тешикларини ярим очган ҳолда эса хроматик товушқатор ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, найнинг пулланадиган тешигига ижрочи лабини пастроқ ёки юқори қўйиши натижасида товушни ярим пардага фарқ қилдириш мумкин.

XIX – XX асрларда яшаб ижод қилган найчилардан қўқонлик Рўзи найчи, Тошкентдан Шукуркул най, Камол най, Намангандан Бурхон най, Ҳасан най, Сайджон Калонов, Дадаали Соаткулов, Махмуджон Мухамедов ва ҳозирги даврда энг машҳур найчилардан Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист, ЎДК профессори Мирза Тойиров, Ўзбекистон халқ артисти Абдуллаҳад Абдурашидов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Найнинг яралишига доир бир ривоятда айтилишича: Инсон пайдо бўлгандан кейин ерда ўсиб турган қамишни қирқиб олиб, ундан тешиклар очиб, най ясади ва чала бошлайди. Найнинг оҳангига маҳлиё бўлган ер юзидаги барча жонзот тирикчилик ташвишини унутиб (шер кийик билан, бўри қўй билан, тулки товуқ билан ва ҳ.к.) ҳеч нарсага парво қилмасдан ижрочининг изидан эргашиб кетаверишибди. Буни кузатиб турган Оллоҳу-тъло ердаги мувозанатни бузилганини кўриб инсоннинг қўлидан найни олади ва ундаги маҳлиё қилувчи ширани сўриб чиқариб ташлайди ва найни қайтариб беради.

Ҳозирги найнинг мафтункор овози ўша шираси сўриб олингандан кейинги хузури бўлса ундан олдингисининг таърифига сўз ожиз.

**қўшнай** ғаров қамишдан ясалган 220 – 250 м.м., узунликдаги жуфт найлардан ташкил топган чолғу бўлиб, найларининг бош томони ёпиқ ва учларидан 5 см., узунликда тилчалар кесиб очилган. Тилчалар ип билан хомут қилиб юқорига ва пастга (созлаш учун) суриладиган қилиб боғланган. қўшнайда бармоқ билан босиладиган 7 (баъзан 8) тешик очилган. У икки октавага яқин, биринчи октава ре дан иккинчи октава си (учинчи октава до гача) диатоник товушқаторга эга бўлиб, иккинчи октава товушлари асосан нафас босими (передувания) натижасида ҳосил этилади. Лаб бошқаруви натижасида хроматик товушқатор чалиш мумкин. қўшнай иккита қамишни бирлаштириб орасига ипдан попук қўйилади. У ясалганда иккала қамиши ҳам бир тубдан олинади. Шундагина улар бир-бирига қойим соз бўлади. қўшнайнинг товуши кучли,

мунгли оҳангга эга. Асосан якка, ансамбл ва ўзбек халқ чолғулари оркестрида қўлланилади. Ҳозирги даврда Хоразм, Тошкент ва Фарғонада кенг тарқалган.

**Балабан, буломон** (форс. Балобам, боло – баланд, бом – паст, баланд ва паст регистрларда бирдек жарангловчи диапазони кенг чолғу маъносида) цилиндр шаклидаги қуввурининг узунлиги 300 м.м., бўлиб, карнайчаси устки томонидан қалинлаштириб мевали ёғочдан ясалган чолғу. Буламоннинг трости, яъни дудики - якка тили гаров найчанинг устки томонидан (қўшнайникига ўхшаб) кесиб-тилиб очилган. Буламонда бармоқ билан босиладиган 8 та тешик мавжуд. Шулардан биттаси асосий тешикларга қарама-қарши, яъни орқа томонда жойлашган. Товушқатори диатоник бўлиб, лаб бошқаруви натижасида хроматик товушқатор ҳосил қилинади. Товуш кўлами икки октавадан сал ошик (кичик октава соль дан иккинчи октава соль (ля) гача). Унинг товуш тембри бўғикроқ (бас) тусда бўлиб, асосан бахшилар ансамбли таркибида ва баъзан якка ҳолда ҳам қўлланилади. Драматик ва фожеъавий достонлар мусиқалари буламон жўрлигисиз ижро этилмаган. Ўрта асрларда буломон қўшнайга ўхшаб жуфтланган яъни қўш буламон бўлган. 18-19 асрларга келиб бахши куйларининг суръати жадаллашиши натижасида буламонда техник маҳоратни ошириш эҳтиёжи туғилган ва якка буломон шаклида (бахшини икки томонида биттадан буламончи жўр бўлган) қўлланила бошлаган. Машхур буломончилардан Хивалик Худойберган Қурбон ўғли, Бобо буломон, Сапо буломон, Матниёз ота, туркман Плак буломон, Марғилондан Ҳамроқул буламон, Саддин Саддинов, А.Тоғанов ва бошқалар. Ҳозирги даврда қўш буламоннинг қадимий нусхасини таниқли сурнайчи М.Матёқубов коллекциясида учратиш мумкин. Бугунги кунда ҳам шимолий Ўзбекистон, асосан Хоразм ва қорақалпоғистонда бахшилар ансамбларида кенг истеъфода қилинади.

**Сурнай -** (форс. Сур – тўй, байрам, най - қамиш, тўйда чалинадиган най деган маънони билдиради) Сурнай чолғусининг келиб чиқиши жуда қадимий бўлиб, бу ҳақдаги маълумотлар милоддан олдинги қальалар деворларидағи тасвирлар ва ўрта аср миниатюраларида акс этган. Сурнай ҳарбий юришлар, тўй, сайл ва байрамларда асосий чолғу сифатида карнай, ноғора ва доиралар иштирокидаги чолғулар ансамблида қўлланилган.

Ўзининг тузилиши ва товуш ҳосил қилиниши жиҳатидан гобойга ибтидо бўлган сурнай танаси 400-450 м.м., узунликдаги мевали (ўрик, тут, ёнғок) ёғочдан цилиндр, баъзан конуссимон шаклда, карнайчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади. Унинг бармоқ билан босиладиган 8 та тешиги бор. Шулардан биттаси асосий тешикларга қарама-қарши, яъни орқа томонида жойлашган. Баъзиларида тешикларининг оралари мис ҳалқачалар билан ҳалқаланган. Сурнай тили – дудики оддий қамишдан ип билан қаттиқ бўғилиб, бир-бирига қапиштириб ясалади ва сурнай мил-нилига кийгизилади. Мил ўз навбатида чолғу танасига ўрнатилган бачка (бачча- болача, сурнай ёғоч танасига нисбатан бошқача мевали ёғочдан ишланган)га кийгизилади. Мил-нилда эса айлана ёки букик эллипс шаклидаги (ҳайвон шохи, суяқ, садаф ёки металлдан ишланган) ижрочи лабига тирагиб, нафасни ташқарига чиқишидан муҳофазалаб турадиган ҳалқа ўрнатилади. Сурнай бир ярим, икки октава ҳажмидаги диапазон ва диатоник

товушқаторга эга. Ўзбекистонда сурнай тури икки хил. Фарғона-Тошкент сурнайи мензураси кенгроқ бўлганлиги сабабли товуши майин ва нолали, Хоразм сурнайи эса мензураси нисбатан торлигидан товуши кескин ва чийилдоқ. Иккала сурнайда ҳам товуш кўлами бир хил. Пастки товуши биринчи октава до-диез дан бошланиб, нафас босимини кучайтириш натижасида иккинчи октава си (учинчи октава до) товушгача бўлган диапазонни ўз ичига олади.

Сурнайнинг товуши кескин ва жуда ўткир бўлиб, унда товуш ҳосил қилиш мураккаб ҳисобланади. Бу жараён узлуксиз нафас билан ижро қилиш маҳоратини талаб этади.

Узлуксиз нафас билан чалишнинг мохияти шундан иборатки, қадимги уламолар созни вақтнинг узвий бўлаги, яъни вақтда узилиш бўлмаганидек мусиқада ҳам қисқа бўлсада узилиш бўлмаслиги керак деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам айниқса Хоразм сурнайчилигига узликсиз нафас билан чалиш қабул қилинган ва ҳозиргача давом этмоқда.

Шунингдек, Хоразм дутор чолғучилигига ҳам узлуксиз рез (тремоло) билан чалиш бугунги кунгача ўзига хос услуг ҳисобланади ва уларнинг сурнай ижрочилиги билан узлуксизлиги ўхшашдир.

Узлуксиз нафас тури Ўзбекистон сурнайчиларида **қайтарма нафас** ёки Хоразмда **дам айлантириш** дейилади ва ҳозирги даврда ҳам қўлланилади. Бунда ижрочи лунжини шиширган ҳолда заҳира ҳавони лунжда сақлайди ва бурундан нафас олаётган пайтида заҳирадаги ҳавони чакка мушаклари ёрдамида сурнай найчасига йўллайди. Натижада ўпкага ҳаво ҳам олинади ва сурнайга юборилаётган нафасда ҳам узилишга йўл қўйилмайди. қайтарма нафасни ўргатиш учун машхур Хоразмлик хон сурнайчиси Худак ота - Худойберган қурбон ўғли ўз шогирдларини қўлларига най қамиш бериб дам айлантириш тамойилини тушинтиргач, бошловчи сурнайчини ариқча четига ётқизган ҳолда найчани сувга тиқиб пуфлатар ва сувда пуфакчалар ҳосил бўлиши узлуксиз давом этса, яъни нафас айланса шогирд сурнайни қўлига олган. Агар дам айланишида узилиш рўй берса сувда узлуксиз пуфак чиққунича машғулотни яна давом эттирган.

Ўзбекистонда икки хил сурнай ижрочилиги мавжуд. Улар Фарғона – Тошкент ва Хоразм услублари деб аталади.

Фарғона – Тошкент ижрочилик йўналишининг вакиллари тўғрисида ғулом Зафарийнинг 1930 йилларда тузилган шажарасида келтирилган созандалар номларидан биламиз. Шунингдек, кекса созанда ва бастакор устоз Мухторжон Муртазоевнинг айтишларига қараганда Андижоннинг Булоқбоши туманидан талайгина таниқли сурнайчилар сулоласи етишиб чиққан. Булар: Рустам Меҳтар, Одил Меҳтар, Ашурали Меҳтар, қўқонлик Рўзи найчи, Ҳамроқул буламон, Умматқул қўшнай, Марғilonлик Аҳмаджон Умурзоков, Оқ мачитлик сурнайчи Калон Меҳтар Бобо, Тошкентдан Шукурқул най, Камол най, ака-ука сурнайчилар Нурулла, Саъдулла, Хайрулла Убайдуллаевлар, Абдуқаюм ота

Азимов, Маҳкам Собиров, Шамсимат ота Юсупов, ғуломжон Мирзаев, Намангандан Бурхон най, Ҳасан най ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ушбу услубнинг маҳсус «Сурнай йўллари»дан Бузрук, Савти Бузрук, Наво, Савти Наво, Наво Чархи, Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайнин, Дугоҳ уфори, Сегоҳ, Сегоҳ уфори, Уззол, Ироқ, Уфари Ироқ мақом шўйбалари асосида яратилган йирик туркумдаги асарлар ижро қилинади.

Хоразмда сурнай ижрочилигининг ривожланган даври Мухаммадраҳимхон Феруз хонлик қилган (1863-1910) замонига тўғри келади. Бу вақтда ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Калот, Ёқуб буломончи, Сариқ Мехтар, Бобожон (Бува буломончи) сурнайчи, Худойберган қурбон ўғли ва 40 нафар сурнайчидан ташкил топган сурнайчилар, карнай ва ноғоралар жўрлигидаги ансамбл «Хон чиқар» (Хоразм Наво мақомининг сакили)ни хон чиқиш пайтида чалишган. Бунда Хон отининг ва уни етаклаб юрадиган шотирларнинг оёғига турли ҳажмдаги занглар тақилган бўлиб, улар куй усулига монанд оёқларини ташлаб юрган пайтда маҳобатли томоша – кўриниш ҳосил бўлган.

Бу даврда машҳур бўлган Дурди карнайчи номи ҳам кўп тилга олинади.

Хива хонлигига ғассоллардан олинадиган солиқни Ашур маҳрам карнайчиларга ойлик, яъни маош қилиб берар экан. Шунинг учун ҳам ушбу касб энг паст ҳунарлардан ҳисобланган ва ҳозиргача Ўзбекистоннинг бошқа жойларига қараганда Хоразмда карнайчилар деярли йўқ, карнай эса жуда камдан-кам ҳолларда истефода қилинади.

XX – асрда машҳур бўлган сурнайчилардан Худойберган қурбон ўғли, Матниёз ота, курёз ота, Жуманиёз ота, меҳнат қизил байроқ орденли Абдушариф Тоғанов, Матёкуб дўхтири Оллаёров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист қодир Бобожонов, Файзулло Матчонов, Йўлдош Тожиев ва айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Дўстлик» ордени нишондори Матрасул Матёқубовлар эл орасида таниқли устоз созандалардан ҳисобланади.

Хоразмда ҳам мақом шўйбалари асосида сурнай учун маҳсус «Сурнай мақомлари» яратилган ва улар Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган «Танбурnota чизифи»да ўз аксини топган бўлиб, булар «Ифорий», «Зангбозий», «Зувоний», «Марвий I-II», «Гулҳо гулим», «Аламинг ёмон», «Ёр-ёр», «коракўз», «Пухтаро гийр» мақомлариидир.\* Шунингдек, «Мухаммаси Рост», «Мухаммаси ушшоқ», «Сақили Наво (бу асар хон чиқар деб ҳам юритилган)», «Мухаммаси баёз», «Уфори Наво», «Пешрави Дугоҳ», «Пешрав занжири», «Ҳафифи Сегоҳ», «Уфори Ироқ», «Зувоний» каби асарлар танбур мақомларидан бўлса, халқ қуйларидан «Алиқамбар», «Надромаддин», «Бироллайим», Масхарабоз йўлларидан: «қум пишиги», «Тўрғай», «Чоғоллоқ», «Зумлақ», «Ротолло» ва бошқа қуйлар ҳозиргача машҳур. Сурнай йўлларининг асосан никоҳ, суннат ва бошқа тўйларда ижро этиладиган турлари кенг тарқалган. Уларнинг аксарияти рақс қуйлари бўлиб, туркумли «Шодиёна», «Катта ўйин», «Тановар», «Муножот» «Оразибон», «Норим-норим», «Ушлини уфориси», «Елапасаланди», «Бироллайим» (охиргисига ўхшаган қўшиқлар овози кучли хонандалар томонидан сурнай жўрлигига куйланган ва бундай жўрликда куйлаш фақат Хоразмгагина хосдир) ва айниқса «Сурнай лазгиси» халқаро миқёсда донғи

кетган рақс куйларидан ҳисобланади. Рақс куйларига күпинча қайроқ жүрлигіда үйналади.

**Бүғ** - сополдан ишланган 350 м.м., узунликдаги қувр (труба) бўлиб, ундан қадимда тегирмон дон янчиш учун тайёр экани ёки шаҳар ҳамоми суви исиб ювиниш учун шай бўлганлигини билдириш мақсадида ташдорлар томонидан чақариқ чалинган.

**Карнай** - (форс.- қарн – шох, най) ҳайвон шохидан ясалган най деган маънони билдиради. Ибтидоий даврлардан ҳар хил чақариқ учун одам овозидан кучли товушга эҳтиёж пайдо бўлган ва натижада ҳали инсон томонидан метал кашф қилинмасдан бурун ҳайвонларнинг катта шохларидан турли ҳажмдаги карнайлар ясашган. Карнайнинг топилган қолдиқлари эрамиздан олдинги уч мингинчи йилларга бориб тақалади. Карнай биринж-латундан ясалади ва узунлиги 3 метрча келадиган тўғри, баъзан букик, қўнфироқсимон карнайли табиий обертон товушқаторли чолғу ҳисобланади. Карнай асосий қувурининг ичидан 97-100 см. келадиган ва тобора кенгайиб (5 мм- дан 36 мм гача) борадиган ингичка ёрдамчи қувур ўтказилган. Бу қувур ҳалқ тилида нил деб аталади ва у 37 мм келадиган карнай мунштугига уланади. Карнай жуда узун бўлганидан икки ёки уч бўлакка бўлинади. Унинг товуши жуда кучли бўлиб, ижро пайтида карнайчи карнай оғзини ҳар томонга йўналтирган ҳолда (барчага эшитилсин учун) чалади. Унинг обертон товушлари қўлами бир оқтавадан ошмайди. Обертонлари прима, секунда, квинта, секста ва септима бўлиб, энг кўп фойдаланиладигани квинта, секста ва септима интервалларидир. Карнай ҳарбий юришларда, тўй, сайил ва байрамларда сурнай, нафора ва доиралар жамланган ансамбл таркибиға кирган. У моҳир карнайчи томонидан якка ҳолда ногора ва доиралар билан ижро қилинадиган бўлса фақат карнайгагина хос бўлган товуш динамикасини яққол намаён қиласади. Яъни ўзига хос глиссандо, вибрато ва товуш кучининг самараси ушбу чолғунинг улуғворлигини кўрсатади.

Карнай ҳозирги даврда ҳам кенг қўлланилмоқда. Тўрт, олти карнайдан ташкил топган ногора, доира, сурнайлар таркибидаги ансамбллар тўй, сайил, байрам ва томошаларда хизмат қилмоқдалар.

**Бурғу** - қадимда туркий ҳалқлар олтой ва сибирда ҳам яшаганлар ва буғу шохларидан карнай ясаганлар унинг номи шундан қолган.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъruzадан сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, саволжавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қўйи келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусиқа чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **Саволлар:**

1. Анъанавий ижрочилик санъати авлодларга қай тарзда ўтиб келган?
2. Зарбли чолғуларнинг келиб чиқишига асос бўлган омиллар нима ?
3. Дамли чолғуларнинг яратилишига қандай омиллар сабаб бўлган ?
4. Торли чолғулар қандай яратилган ?
5. Ривоятга кўра нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси ким ?

### **1-Мавзу: Анъанавий ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғуларни ўрганиш борасида илғор тажрибалар (2 соат)**

#### **Режа**

1. Ўзбекистон худудида тарқалган мусиқа чолғулари.

2. Янгидан яратилган ва такомиллаштирилган чолғуларнинг ўзбек мусиқа маданиятида тутган ўрни билан тинишиш.

3. Чолғуларни ўзлаштиришда анъанавий устоз шогирд тизими билан бир қаторда нота асосида ҳамда тинглаб ўрганиш кўникмаларини хосил қилиш

### **2-Мавзу: Мусиқий таълим тизими ва унда чолғу ижрочилигининг тутган ўрни (2 соат)**

#### **Режа**

1. Мусиқий таълимда узвийлик масалалари. Анъанавий мусиқа ижрочилигини ўқитишда таълимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

2. Мусиқий таълимни такомиллаштиришда назарий таълимни амалий куникмалар билан мустаҳкамлаш масалалари. Анъанавий ва замонавий чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши.

3. Ижрочиликда эришилган амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мусиқий таълим муассасалари учун методик қўлланмалар яратиш масалалари. Ўзбекистонда анъанавий ва замонавий чолғу ижрочилиги тарғиботи.

**3 - Мавзу: Чолғуларни ўзлаштиришда нота асосида эшитиб ўрганишнинг фарқли томонлари. Миллий асарларни ўзлаштириш (миллий чолғулар)да анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш йўллари (2соат)**

**Режа**

1. Миллий чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.
2. Камонли, торли чолғуларнинг ижро аппаратини қоидалари.
3. Пуфлама чолғуларнинг имкониятлари ва хусусиятлари.

**4 - Мавзу: Ижро дастури ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда якка машғулотлар масалалари. Гурухли ва якка машғулотларни режалаштириш (2соат)**

**Режа**

1. Анъанавий ижрочиликни ўргатишда устоз шогирд тизими ва замонавийлик.
2. Анъанавий ижрочиликда машқ ва замонавий ижрочиликда этюдлардан, гамма ҳамда аккордлардан самарали фойдаланиш.
3. Анъанавий чолғу ансамблининг ижрочилик қонун қоидалари.





Бухоро мусиқа техникуми ўқитувчи ва талабалари. 30-йилларнинг ўрталари




**5- Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа асарлари талқини. Машхур чолғучиларнинг ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари (2соат)**

**Режа**

1. Мақомларнинг турли ижро варианtlарини таққослаш.
2. Мақом ва халқ мусиқа асарларидаги доира усуллари.
3. Машхур чолғучиларининг ижодини намуна сифатида ўргатиш услублари.











Кўчма сайёр машғулот Ўзбекистон давлат консерваториясида олиб борилаётган машғулотлар, мусиқий анжуманлар ва оркестр-ансамбларнинг иш фаолиятини кузатиш орқали ташкил қилинади

### **Мустақил таълим учун бериладиган вазифалар:**

Тингловчиларнинг “Анъанавий чолғу ижрочилиги услубияти” фанига оид мустақил ишларини ташкил этишда уларга:

- а) янги асар матнини кўриб танишиш, куйнинг асл мақсадини англаш, метроритмик тузилиши, динамикаси, штрихлари, асарнинг характеристи ва мақсадини бир қарашда аниқлаш;
- б) мусиқий асарни мураккаб бўлган жойларини ҳисобга олган ҳолда суръат тезлигини (вақтинчалик) белгилаш;
- с) талабани мусиқий матнини тўлиқ қамраб олишга (кўриниши, мазмуни) ундаш, бунда унинг диққати ижро этилаётган бир жумла эмас, бир неча жумла олдинга, ҳатто куйни давомига қаратилиши зарур.

Талабанинг ижро қилиш ва куй матнини ўқиши, ёдлаш малакаларини ошириш учун созандалар ансамбли асарларидан олинган ижрочи учун мураккаб қисмларини такрор чалиш, шунингдек, ўқувчига таниш асарларни бошқа пардадан (транспозитсия) ижро қилиш ҳам ушбу малакани янада такомиллаштиради.

## ГЛОССАРИЙ

Достон сўзи *форсчакўлнинг* давоми, бармок ўрни, парда деган тушунчаларни англатади. Истилоҳий маънода эса афсона, ривоят, эртак, ҳикоя, поэма деган маъноларни билдиради.

Шаман – тунгусча сўз бўлиб - «рух - пари»ларга ишонувга асосланган қабила дини. Бунда шаман бошқарувидаги рухлар орқали унга сифинувчиларнинг муроди ҳосил бўлади деб ишонилади.

Қом, парихон эса инсон билан ибтидо ўртасидаги боғловчи-воситачи, кора куч (жин) ларни ҳайдовчи вазифасини бажарган.

Ўзан (ўзан, ўзмаг-ўзиб кетмак, олдинда борувчи, ақилли шоир) деб юритилган.

Жиров тушунчасини Маҳмуд Қошгорий таъбирича жиров – йирғов, шеър тўқувчи созанда, доно оқсоқол деб таърифлайди. Жировлар айтадиган энг севимли жанр бу тўлғовдир (тўлғов – ўйланиш, фикр юритиш).

Ошиқ, баъзи туркшунос (А.Набиев, В.Радлов, М.Тахмасиб) олимларнинг фикрига кўра «Ошиқ» ва «Ашула» (Ошила - едир, ҳазм қилдир) сўзларининг асосий ўзаги бир бўлиб, қадимги туркий «Ош» ошиламоқ, ҳазм қилдирмоқ, (ўз фикрини, мақсадини, хохишини), сингдирмоқ, руҳиятини тўйинтирмоқ деган маъноларни англатади.

Бахши – мўғулча ва бурятча бахша, бағша - ўқитувчи, Синскритча қаландар, дарвеш, устоз, маърифатчи деган маъноларни билдиради. Профессор А.Фитрат таърифича: - «Турк мусиқасининг бизда қолғон энг бурунги сўзлари бахши, ўзан, қўбиз сўзларидур. Бахши сўзининг бурунги маъноси эл шоири, чолғувчисидир. Эл орасинда қўбиз ё дўнбира чалиб достонлар ўқуб юрган кишилар шоир, чолғучилар бор, биз шуларга бахши деймиз. Ҳолбуки Навоий замонида бу сўз уйғурча ёзғон котиб маъносида ишлатилар эди. Кўпирлизоданинг «Зич илхони» дан кўчирмасига кўра «Бахшилар ҳар ойда уч кун парҳез тутуб ибодат қиласлар ва белгили емаклар еярлар эмиш». Демак булар бир турли фолчи авлиёлар маъносида ишлатилган бўладир»

Гўянда – форсча - айтuvчи, Бобурномада – «Созандалар соз чаддилар, гўяндалар нома айтдилар» дейилади. Бу ибора ашулачиларга нисбатан Хоразмда ҳозир ҳам ишлатилади.

Жомоқчи – (жомоқ - эртак, ҳикоя), достонни тўлиқ биладиган бадиҳагўй (импровизатор). Йирчи – (йир – жир, қўшиқ), достонлардан парчалар ёдлаб айтиб юрадиган қўшиқчилар.

Соқий, Юзбоши, аёл достончиларни Қиз бахши, Халфа ва бошқа номлар билан атаганлар.

Нома- бахшилар тилида достон куйлари шундай юритилади ва улар турли мактабларда ҳар-хил шакллангандир. Хоразм достон ижрочилигининг Ширвоний услуг номалари 72 та бўлиб, улар туркумларга бўлинади: «Найларман»лар тўртта, “Нолиши”лар еттита, “Илғор”лар бешта, “Эшвой”лар бешта, “Бахии мухаммас”лар учта, “Ширвоний”лар учта, “Шо қўчди”лар учта, “Зоринжи”лар иккита. Шунингдек, “Бобохоним”, “Гуландом”, “Сарвигул” каби жуда гўзал куй-номалари бор. Бу номалар достон шеърларининг вазни ва

бўғинларига қараб маълум ижрочи - бахшининг билими, куй танлаш диди ва овоз имкониятларига кўра танлаб олинади ва зарур ҳолда, шеърларга боғлаб ўқилади. Қашқадарё-Сурхондарё “Қамай” мактабида

---

Эй дўмбирам гажакдор,  
Ўттиз икки номанг бор.  
Ҳаммаси ҳам мафтункор,  
Бирин чалсам бири бор.

деб 32 нома борлиги қайд этилади. Шулардан «Чўпони» номалар учта, “Келиной” ўн тўртта, “От ҳайдаш” учта, “Кўй қайтариши” учта, “Лоқай жислов” ва шунингдек, кўпгина бахшиларнинг номлари билан боғлиқ номалар яратилган. Эргаш Жуманбулбулнинг қуидаги шеърида Нурота (Кўргон қишлоқ) мактаби услугига оид достон номалари санаб ўтилади:

Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,  
Йигирма хил нома дўмбира чертиб,  
Хоҳ катта хоҳ кичик эшитса,  
Ҳар қандай одамни балқитиб эритиб.

Мехтарлик (мехтар-форсча бошлиқ, зобит, раҳбар) қўшлари, гуруҳлари фаолияти анча ривож топган. Уларнинг таркиби уч нафар (сурнай карнай доира) дан то ўн беш нафаргача бўлган созандани ўз сафига бирлаштирган. Улар очиқ ҳавода чалинадиган чолғу ижроиларидан бўлган. Мехтарларнинг вазифаси кучли мусиқий товуш-сас, дабдаба ва асъаса билан душманга даҳшат солиш, лашкарларга руҳий мадад бериш, куй чалиб ҳалқни жанг бошланганидан, қўшиннинг қайтиб келишидан, ғалаба тантанасидан, хоннинг чиқишидан ва бошқа воқеа ҳамда байрам, сайил ва тўй тадбирлардан огоҳ этишдан иборат бўлган.

Мусиқий асар: Маълум бир мусиқий асар Б.Асафьев таъбири билан айтганда уч хил кўринишида мавжуд бўлади.

Бу нота матни, яъни ёзув асосида.

Ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрова.

Тингловчининг ҳаётий тажрибаси ва бадиий образларнинг у томонидан қабул қилиниши натижасида асарни ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

Мусиқий ифода воситалари: товуш ҳосил қилиш ва унинг акустик асослари, мусиқий товуш, сознинг тозалиги (интонация), товуш туси (темпер), нола (вибратор), усул (ритм), ўлчов, суръат, агогика, артикуляция, динамик белги ва бошқалар киради.

Зоҳирий (ташқи) эшитиш орқали яккахон созанда, ҳофиз, ансамбл ёки оркестр томонидан ижро қилинган асарни барча жихатлари: баландлиги, тембри, усули ва мусиқий матниниenglis олади. Маълумки бундай устозона услугуб шарқ ҳалқларида жуда кенг тарқалган бўлиб, қадимдан отадан болага, устоздан шогирдга айниқса мусиқий мерос намуналари оғзаки, яъни эшитиш-tinglash орқали амалга оширилган ва бизгача етиб келган.

Ботиний (ички) эшитиш: Бунда инсоннинг ички туйғуси, яъни олдин эшитилган, қулоғига таниш бўлган ҳаёлидаги асар кўзда тутилади. Бу хиссиёт бешта жиҳатда намаён бўлади:

- а) олдин кимнингдир ижросида эшитилган ва хотирага ўрнашиб қолган мусиқий образлар;
- б) ўзи қачонлардир ижро қилган асар ёки қуй қисмини хотирлаш;
- в) асарни нотадан чолғу асбобисиз ўқиган ҳолда садоланишини тасаввур қилиш;
- г) чалиш ёки ўқувчига тушунтириш учун асар ва унинг қисмлари композициясини ҳаёлда шакллантириш;
- д) ижро жараёнида бирданига тайёргарликсиз (экспромт) бадиҳа (импровизация), намуд (кўриниш), авж, (гул партав) ёки янги қисмлар ижод қилиш.

Ботиний ва зоҳирий эшитиш йиллар ўтиши билан билим, тажриба, малака ошгани сайин ривожланиб, сайқалланиб боради. Шунинг учун ҳам таълимнинг биринчи қадамларидан бошлаб мусиқий эшитишни ва эшитиш назоратини ривожлантириш ўта муҳимдир.

Мусиқий хотира - инсон руҳий жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ёд олиш ва хотирада сақлаш бўлиб, унинг моҳияти эсда сақлаб қолиш ва зарур пайтда ўша хотирадагиларни маълум бир восита орқали юзага чиқариш-намаён қилиш ҳисобланади.

Хотира турлари:

- а) товуш баландлиги, кучи, тембри, лад тизими, усули, оҳангдошлиги, куй ва қўшиқ шаклини эсда сақлаш билан боғлиқ хотира турлари;
- б) инсон қиёфаси, табиат манзараси, буюм намунаси, бирор образ, нота ёзуви, уларнинг чўзими, туроқланиши ва бошқаларнинг қофозда – ёзувда, экранда ифодаланиши кўзда муҳрланади ва кўриш хотирасига киради; в) турли ҳаракатларни эслаб қолиш ва уни қайтариш (дирижерлик, рақс, пантомима ва ҳ.к.), чолғу асбобини тана сезги органлари (лаб, қўл ва бармоқлар, нафас органлари ҳаракати ва ҳ.к.) сезиб эслаб қолиниши сезги-ҳаракат хотираси;

---

г) эснаш, кулиш, йиғлаш, лаззатланиш, таъсирланиш, эмоция туйғуларини эсга олиб ўзида акс эттириш хис-ҳаяжон хотираси;

д) ҳикоя, роман, шеър, мақол, топишмоқ ва бошқалар сўз-мантиқ хотираси турларига киради.

Хотирани янада мустаҳкамлаш учун устоз созандалар (Г.Г.Нейгауз) томонидан мусиқий асарни ёд олишда қуидагича йўл тутилиши уқтириллади:

- а) асарни нота билан чолғу асбобида чалиб эсда сақлашга ҳаракат қилиш;
- б) нотасиз чолғуда ёддан чалиш;
- в) чолғу асбобисиз нотага қараб кўриш орқали қўз хотирасида мустаҳкамлаш;
- г) нотасиз ва чолғу асбобисиз ҳаёлдан ўтказиш орқали мусиқий хотира мустаҳкамланади.

Мусиқий хотира мустаҳкам бўлиши учун нафақат ақлий хотира (қувваий ҳофиза), балки, «қалб хотираси» зарурлигини кўпчилик олимлар таъкидлашади.

Усул сезгиси мусиқий асарларнинг тузилишида энг асосий омиллардан бири бўлиб, ижрочилик жараёнида катта аҳамиятга эга. У инсон организми билан табиатдаги ўзаро ўлчов ва ритмик боғлиқлик ҳамда мутаносибликни ифодалайди. Бунда инсоннинг юрак уриши, нафас олиши, қадам ташлаши, ҳиссий (эмоционал) харакат сезгилари табиатининг барча жиҳатлари билан боғлиқдир.

Мақом (мақам, мугом) арабчадан – ўрин, жой, парда деган маъноларни билдиради.

Достон, Дастгоҳ бармоқ ўрни, қўл ўрни яъни чолғу дастасида бармоқ билан босиладиган парда ва товушлар тизими маъносини билдиради.

Навба ёки Навбати мураттаб навбатма-навбат тартибга туширилган куй ва ашулалар туркуми.

Кулукий, килкий – (хаттоллар қамиш қаламининг кесиб ўткирланган учи ҳам шундай аталади.) яъни учкур, ўткир, кескин овоз,

Димоғий – тамоқقا куч бериб чиқариладиган овоз,

Халқий – халқум орқали, чукур нафас билан чиқариладиган очиқ овоз.

Бинниги овоз чиқариш услубида томоқда товуш ҳосил бўлиши билан бош тебрантирувчи (резанатор)лар ва танглайга урилиб, бурун ва оғиз бўшлиғи орқали ташқарига йўлланиши натижасида товуш ҳосил қилинади. Хоразм ашулачилари Матюсуф Харратов ва Мадраҳим Ёқубов (Шерозий)лар ижросида бинниги усулибининг барча яхши томонлари ва камчиликларини айниқса яққол сезиш мумкин.

Гуллиги овоз чиқариш услубида нисбатан кўпроқ товуш кўкрак резонаторлари жаранглашидан чиқиши ва томоқ билан оғиз бўшлиғи орқали ташқарига йўлланиши натижасида юзага келади.

Жўрахон Султонов бутун бир Фарғона водийси санъатини ўз давридаги етук хонандаси ва бизга бу санъатни етиб келишида асосий кўприк вазифасини ўтаганлар.

Ишками овоз пайларидан таралган товуш дастлаб томоқ танглай ва бош тебрантирувчилардан кучайиб ўтиб, халқум бўшлиғидан ташқарига йўлланади.

Катта ашула жанри ҳам жуда қадимий санъат турларидан бўлиб, унинг келиб чиқиши хозирги кунда ҳам кўп баҳс ва тортишувларга сабаб бўлмоқда. Бирлари бу жанрни “диний мусиқалар билан боғлиқ,” деса, яна бирлари “шеърларни юқори овозда куйлаш орқали вужудга келган,” дейишади, яна бошқалари “камбағалчилик даврида мусиқий созларни сотиб олишга курби етмаган баланд овозли хонандалар санъати,” деб билади.

Айрим санъаткор ёшлар катта ашула деганда бирор бир куйга тартибсиз солинган, усулсиз равища чўзиб куйланадиган асар дейишади. Аслида эса катта ашула маълум мезон ва қонуниятларга асосланган мустақил ва етук бир санъат навидирки, буни ўрганиш ва ёшларга ўргатиш мусиқий меросимиздаги энг муҳим вазифалардандир.

Суворий- Хоразм воҳасига мансуб жанрлардан бўлиб, унинг қанчалик қадимий эканлигини Ислом динининг кириб келиши ва диний мусиқалар билан

боғланади. Соз санъатининг сувора жанри, тасаввуф яъни сўфилик оқимининг мусиқа санъатидаги кўринишидир.

Кўпчилик устозлар суворий сўзини ўзлиқдан кечиш, таркидунёчилик, мосуво бўлиш, яъни “суво” ўзагидан олинганлигини таърифлашса, баъзилари отлик-чавандоз маънолари билан боғлиқ эканлигини ҳам айтишади.

**Аккорд** (ит. Accordo, фр. Accord - бирдамлик) – турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши. Аккорд одатда терция интервали бўйича тақсимланадиган товушлардан ҳосил бўлади. Тўрт товушли аккорд – септаккорд, беш товушли аккорд – нонаккорд, олти товушли аккорд – ундецимаккорд дейилади.

**Ансамбль** (фр. Ensemble - биргаликда)- 1. Вокал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. 2. Бир тўда санъаткорларнинг бир бутун бадиий жамоа ҳолда чиқиши. 3. У қадар катта бўлмаган хонанда ёки созандалар жамоаси учун яратилган мусиқа асари. Ижрочилар сонига қараб бу ансамбллар турлича аталади. Икки ижрочи – дуэт, уч ижрочи – триоёки *терцет*, тўрт ижрочи – *квартет*, беш ижрочи – *квинтет*, олти ижрочи – *секстет*, етти ижрочи – *септет*, саккиз ижрочи – *октет* ва ҳ.к. Баъзан ансамбль сўзини оркестр ёки хор жамоасининг кичрайтирилган турига ҳам айтилади.

**Аппликатура** (нем. Applicatur - қўймоқ, босмоқ) – мусиқа чолғу асбобларини ижро қилганда бармоқларни тўғри қўйиш ва алмаштириш тартиби. Бу тартибининг ноталарда кырсатилиши ҳам аппликатура дейилади. Аппликатура араб рақамлари билан ноталарнинг ости ёки устига қўйилади.

**Диатоника**(юн. Diatonikos – бир тондан иккинчи тонга ўтиш) – ладнинг асосий босқичлари изчиллигидан вужудга келадиган мусиқий товушлар тизими. Табиий мадор, минор ва ўрта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти поғонадаги тон ва ярим тонлар диатоникага киради.

**Диатоник гамма** – ладдаги асосий товушларнинг бирин-кетин изчиллиги. Тўлиқ диатоник гаммада еттига товуш бўлади.

**Динамика** (юн.Dinamikos - кучли) – мусиқий товушларнинг қаттиқ-секин ижро қилиниши. Динамика товушни турлича ифодалаш, яъни бир йўла қаттиқёки секин, аста-секин кучайтириш ёки секинлаштириш, айрим товушларни алоҳида таъкидлаб эшиттириш в.б. билдиради. Динамиканинг асосий турлари: forte - қаттиқ, кучли; piano – секин; crescendo – товушни аста-секин кучайтириш; diminuendo – товушни аста-секин пасайтириш.

**Интервал** (лот.Intervallum – оралиқ, масофа) – икки мусиқий товуш ўртасидаги оралиқ. Бунда товушлар бир вақтда янграса гармоник интервал, бирин-кетин янграса – мелодик интервал деб аталади. Асосий интерваллар – *прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима, октава*.

**Лад** – турғун ва нотурғун мусиқий товуш поғоналарининг ўзаро боғлиқлигига асосланган товушлар тизими. Замонавий мусиқада етти поғонали мажор ва минор ладлари асосий ладлархисобланади.

**Оркестр** (юн.Orchestra - қадимги юонон театри саҳнаси олдидағи майдонча) - турли чолғу асбобларда чалиб, ижрочиларнинг ушбу гурухи учун ёзилган

музиқа асарини биргаликда ижро этувчи созандаларнинг катта жамоаси. Чолғу асбобларининг таркибига кўра оркестрларнинг турлари: *симфоник* – тўлиқ таркибдан иборат, *торли* – камонли чолғулар, *дамли*- ёғоч ва мис дамли чолғулар, *шовқинли* - урма-зарбли чолғулар, ёки *эстрада-симфоник* – юқорида санаб ўтилган чолуларга электр-чолгулар, яъни гитаралар, синтезаторлар кабиларнинг қўшилиши асносида.

**Партитура**(ит. *partitura* – бўлинган, тақсимланган) – ансамбль, хор, оркестр учун ёзилган кўп овозли мусиқий асарнинг нота ёзуви. Унда барча овозларнинг партиялари жамланган. Партитурада партияларнинг тақсимланиб келиши юқоридан қуйи томон турдош чолғу асбоблар бўйича келади. Ўз навбатида, бир турдаги чолғуларнинг энг юқори регистрга мансуби юқорида, қолганлари регистри бўйича пастки сатрларда ёзилади.

**Партия**(музиқада)– 1. Ансамбль қатнашчиларидан бирининг нота ёзуви. 2. Соната шаклиниң экспозициясида асосий мавзулар бош партия, ёрдамчи партия, яқунловчи партия сифатида келади.

**Регистр**(лот. *Registrum* – рўйхат, ёзиб, қўйиш) – мусиқий матонинг ошанггини юқори, ўрта ва пастки қисмларга мансублиги бўйича ажратиш.

**Реконструкция** (лот. *Re* – «янгиланиш» маъносини билдирувчи сўз ясовчи қўшимча, ва *constructio* - тузилма) - қадимий мусиқий чолғуларни қайта тиклаш. Ушбу атама замонавий мусиқий чолғушуносликда халқ чолғу асбобларини тиклаш ва оркестрга мансуб турлари (пикколо, альт, бас ва б.)ни яратиш маъносида қўлланилади.

**Соз**– 1. Товушларнинг баландлик ҳолати ва муносабати. Чолғу асбобларидаги соз уларнинг товушқатори тузилиши ва баланд-пастлигини аниқлайди. Оркестр ва ансамбллар сози шу жамоадаги чолғу асбобларнинг бир-бирига бўлган баландлик муносабатларига кўра созланади. 2. Торли чолғуасбоб.

**Тембр** (фр. *tembre* - қўнфироқ, ажратиш белгиси) – товуш тузи, хар бир мусиқий чолғу ёки хонанда овозининг ўзига хос товуш характеристи. Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг тембри турлича бўлади.

**Темперация** (лот. *Temperatio* – тўғри муносабатда, бир ўлчамда) – мусиқий поғоналар оралиғидаги интерваллар муносабатининг тенглиги. Октава оралигининг teng 12 ярим тонга бўлениши бир текис темперация бўлади.

**Товушқатор** – чолғу асбобида чалиниши ёки киши овозида айтилиши мумкин бўлган товушқатор. У юқори кўтарилаётган ёки қуйи тушаётган қатор товушлар тизмасида тузилади.

**Транспозиция** (лот. *Transponere* – жойини ўзгартмоқ) – товушларни бошқа баландликка кўчириш. Транспозиция турли шароитда қилинади: ёзилган мусиқа асари хонанда овозига нокулай бўлса; бир чолғу асбобдан иккинчисига кўчириш зарурати бўлса; ёзилган ноталар ўқиш учун нокулай бўлса. Мазкур ҳолларда мусиқа асарини бир тоналликдан иккинчи тоналликка транспозиция қилинади; бунда унинг характеристи, ритми ва бошқа унсурлари ўзгармайди.

**Транспозицияланувчи чолғулар** – куй ижро этилганида нота ёзуvida ёзилганига кўра паст ёки баланд товуш билан янграйдиган чолғулар. Масалан,

қашқар рубоби, аффон рубоби янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Най пикколо эса янграшига нисбатан бир октава паст ёзилади.

**Унисон** (ит. unisono – бир хил садо) – бир хил баландликдаги икки (ёки бир неча) товушнинг бир вақтда янграши.

**Хроматизм** (юн.Chroma -ранг) – диатоник ладдаги поғоналарнинг ярим тондан ўзгариши. Улар альтерация белгилари – диез ёки bemol билан кўрсатилади. Хроматик ярим тон бир поғонадаги икки турли товушдан тузилади. Масалан, «до» ва «до-диез».

**Хроматик гамма** – қуйнинг ярим тонлар бўйича баланд-пастга изчил ҳаракати. Тўлиқ хроматик гамма 12 товуш (ярим тон)дан иборат. Гаммадаги хроматик ва диатоник ярим тонларни тартибли алмашиниб келиши лад тузилиши (мажор ва минор) ва ҳаракат йўналиши (юқориланиши ёки пасайиши)га боғлиқ. Хроматик гамма диатоник гаммадаги бутун тон поғоналарини кўтариш ёки пасайтириш йўли билан тўлдирилади.